

R 496  
1970 // - 6

**ТУЛЯСТОН**  
1957-1970

1







Хоразм халқ инқилобининг иштирокчиси Аҳмадҷон Маҳмудов хивалик ўқувчилар даврасида.

**РУСИЯ ҚЎШМА ШҲРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИ НОЗИРЛАР  
ШҲРОСИ РАИСИ БИРОДАР ЛЕНИНГА**

Шодлик илан Сизга маълум этамизки, бизлар Хоразмда тинч турмуш тузувга киришдик. Бизлар Сизнинг тарафингидин бўлган аҳдул-жадидни тутиб, алҳолгача ичимизда бўлган, узбек, туркман ўртасида бўлган хон, подшоҳлар эккан адоватларни битириб, Хоразмда яшаган бутун халқларни бир рўзгор этиб тутмоқ ижтиҳодидамиз. Сизнинг сўзларингиз бизларнинг қалбимизга ўриллашганлигининг, Сизнинг сўзингизга ияриб, бизлар деҳқонларнинг турмушини яхшилаш чорасига киришдик.

Бурунги подшоҳларнинг мустамликотлик сиёсатлари йўл

қўймаган ҳунар ва санаъвий ишларимизни кенгайтив ташкилотига киришдик, ушбуда ҳам Сизнинг чизган тоза иқтисодий сиёсатингизни дастурул-амал этамиз. Хоразм инқилоби икки йиллик байрами муносабати илан ўзимизнинг меҳнат қаҳрамонларимиз учун Меҳнат Нишони кўрдик. Биз ўтинамизки, Сиз азиз қардошимиз ҳам муаллимимиз, Марказий Ижроия қўмитамиз қарорига биноан, мазкур Нишонни қабул этиб, кўкрагингизга тақиб юрсангиз. Шунинг илан бутун Шарқ дунёсининг бир неча асрлар қуллигидан озод бўлувнинг белгиси бўлиб кўринса экан.

Иштирокиюн саломларимиз илан:

Хоразм Шўролар Жумҳуриятининг  
Марказий Ижроия қўмитаси.

1922 йил, 4 апрель.

ГБ УЎСР  
Ж 33383  
1

Лениннинг барҳаёт ғоялари ва ишлари, Ленин ҳаётининг улғу жасорати совет кишилари учун, бутун дунё меҳнаткашлари учун илҳом ва оптимизмнинг битмас-туғанмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Лениннинг порлоқ даҳоси революцион кураш ва ижодий бунёдкорлик йўлини ёритиб турибди.

... Совет халқи Ленин ишини давом эттириб, Коммунистик партия раҳбарлигида ўз сафларини тагин ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқда, СССР халқларининг қардошлиғи ва дўстлигини мустаҳкамламоқда.

... Владимир Ильич Ленин ғоялари коммунистлар фаолиятида, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг курашида, социализм ва коммунизмнинг зафарли ривожланишида, инсониятнинг енгилмас социал тараққиётида рўйга чиқмоқда.

Лениннинг номи ва иши абадий яшайди!

(«КПСС Марказий Комитетининг Тезислари»дан).

## ХОРАЗМ ИНҚИЛОБИ

Россияда Улғу Октябрь ғалабаси шарофати билан Туркистондаги асорат кишанлари ҳам бир-бир узила бошлади. Лекин ҳали Хивада маҳаллий пролетариат ва унинг йўлбошич партииси йўқ эди. Бунинг устига, ҳолинда реакция авжига чиқди. Уни инглиз империалистлари ва оқғардиячилар қўллаб-қувватлардилар.

Қизил Армиянинг граждандлар урушида ғолиб чиқиши, мамлакат бўйлаб Совет ҳокимиятининг қарор топиши Хивада инқилобий ҳаракатнинг ави олиштига туртки бўлди. Жунайхон тўдаларига қарши оммавий кураш бошланди. Меҳнатшох халқ эри кўшига интилар, революцияни олқишлар эди. Душманга зарба бериш учун Н. Шайдаков бошчилигида Амударё жанговар отряди тузилди. Кўнғирот, Кўҳна Урганч, Хўжайли музофотларининг деҳқонлари:

— Агар Совет ҳукумати бизга қурол-прогдан ёрдам берса, зolimларга нарши курашда биринчилар қаторида борамиз. Озодлик йўлида ҳалок бўлсан ҳам розимиз! — дейишди.

1919 йилнинг кузагида Жунайхон кучлари натта талафот кўрди. В. Куйбишев билан М. Фрунзе Хива кўзғолончиларини қўллаб-қувватлаш чораларини белгилаб чиқдилар. Қарбий кенгаш вакили Б. Сналов ўз отряди билан Тўрткулга етиб келди. 23 декабрда совет жангчилари шимол ва жануб томондан ҳужумга ўтдилар. Кўҳна Урганч ишғол этилди. Ички фронт жангчилари Пахтабозорда бирлашдилар. Уларга Фулом Алихон ўзининг минг кишилиқ суворийси билан келиб қўшилди.

1920 йилнинг 30 январида қизил аскарлар Хивага жангсиз, тантанавор кириб борди. Жабрдийда аҳоли уларни шоду хуррам қаршилади. 2 февраль кунини Саид Абдуллахон тахтдан тушди. Муваққат инқилобий ҳукумат тузилди. 27 апрель кунини Бутун Хоразм курултойи қақирилди. Уша кунини Хоразм Халқ Республикаси эълон қилинди, унинг конституцияси белгиланди, ҳукумат аъзолари сайланди. Курултой вакиллари номидан доҳий Ленинга телеграмма-ташаккурнома юборилди.

Хива инқилоби ички реакцияга ва ажнабий агрессияга қақшатиқ зарба берди. Бу инқилоб мазлум халқларга яна бир ибратмуз кураш йўлини кўрсатди. В. Куйбишев Хива инқилобининг халқаро ва тарихий моҳияти ҳақида гапириб, қаҳрамон Хива миллий-озодлик кураши ғалаба қилажagini яна бир бор исботлади, деб таъкидлаган эди.

Хоразм меҳнаткашлари ўз эркини сақлаб қолиш йўлида сабр-матонат билан курашни давом эттирдилар. Улар аксининқилобий кучларга, босмачиларга, руҳонийларга, буржуа миллатчиларига қарши курашда Коммунистик партияга суяндилар. Натижада кишилар онгида, маданиян ва маиший турмушда туб ўзгаришлар рўй берди. Бу эса 1923 йилларга келиб, республиканинг демократик босқичдан социализм босқичига ўтиш имконини берди. Шу йили Советларнинг IV Бутун Хоразм курултойи бўлиб, Хоразм Халқ Республикаси Хоразм Социалистик Республикаси, деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Туркистонда қардош республикалар вужудга келди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг бой ва йирик областларидан Хоразм ёруғ кунлари учун, бахт-саодати учун, ёрқин келажаги учун жонангон Коммунистик партиядан беҳад миннатдор. Хоразм меҳнаткашлари Ленин ғоялари шуури билан яшамоқдалар.

Н. КАЛАНДАРОВ,

Ленин номи Хоразм Давлат педагогика институтининг доценти.

Қадим замонларда ҳам Хоразм илму урфон, маданиян, ҳунармандчилик ривожланган юрт эди. Эрамиздан олдинги мингичи йиллар ўртасида бу ерда суғориш тармоқлари барпо этилганининг ўзиде фикримизга далилди. У вақтларда Хоразмни «Наххо» яъни анҳорлар, ариқлар мамлакати дейишарди.

Ҳозир область марказидан оқиб ўтадиган Шовот, Урганчининг шундоқ ёнгинасидаги Газовот, Полвон, Қўлчинёвбой каналлари ҳам бир неча минг йил илгари қазилган. Ота-боболаримиз ўша замонларда ҳам қўмтегалар бағрини ёриб ариқ ўказганлар, қақроқ чўлда деҳқончилик қилганлар.

Дийримиз қадимдан улғу кишилари билан машхур. Бу ерда минг йил олдин Шарқда биринчи илмий жамят — Матмун Академияси ташкил этилган. Академия аъзолари, асосан, дунёвий илмлар билан шуғулланганлар. Биз Хоразм тупроғида етишиб чиққан Муҳаммад Ал-Хоразми, Абу Райхон Беруний, Махмуд Замахшарий, Муҳаммад Жағминий, Комил Хоразмий каби олимларимиз билан фахрланамиз. Улар Шарқ, бинобарин, жаҳон фани хазинасига ҳам ажойиб дурдоналар қўшдилар.

Улғу Октябрь инқилоби арафасида Хоразм чор Россиянинг энг қашшоқ, нотавон ўлкаларидан бири эди. Сон-санқосиз кўҳна рабоблар, Қорақум билан Қизилқум ўртасида индай чуваланиб ётган жазира-ма йўллари, қудратли ва ўзар Амударё ўлкамиз тарихидан жуда кўп ривоятлар, мудҳиш ҳикоялар сўзлаб бериши мумкин. Асрлар бўйи бу водийнинг меҳнаткаш аҳли хонлар ва бойлар зулмидан халос бўлмай, жабр кўриб келди. Чорикор деҳқоннинг бутун ҳаёт-мамоти чор мустамакчилари ва маҳаллий феодаллар қўлида эди.

Инқилоб арафасида Хоразмда бўлган россиялик сайёҳлар «Ер ўзининг бирор бурчагида зулм Хивадагидек мудҳиш қиёфага кирмаган бўлса керак» деб ёзишган эди.

Хоразмликнинг хонадонига Октябрь инқилоби билан бирга бахт кириб келди. Владимир Ильич Ленин РСДРПнинг Бутунроссия VII (Апрель) конференциясида «Биз, Хива деҳқонининг Хива хони зулими остида яшашини сира ҳам хоҳламаймиз» деган эди. Доҳийнинг бу сўзлари эрк учун курашга даъват бўлиб янгради. Хоразм халқ инқилоб тантана қилди. Ёски Хива хонлиги ўрнида Хоразм Халқ Совет республикаси ташкил этилди. 1938 йил 13 январдан бошлаб эса Ўзбекистон ССР составида Хоразм области барпо бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно миллий сиебати ва доимий ёрдами туфайли қисқа вақт ичида Хоразмда туб ийтимойи-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Натижада область мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Хоразмнинг 1963 йилда Ленин ордени билан мунофотланиши бу муваффақиятлар учун муносиб тақдирнома бўлди.

Инқилобгача Хоразмда саноат деярли йўқ эди. Учтагина пахта тозалаш корхонаси, газлама ишлаб чиқарадиган ва чилангарлик билан шуғулланадиган бир-икки устациона бор эди, холос.

Ҳозир областимизда олтинчи саккизта саноат корхонаси бор. Бухоро — Урал ва Ўрта Осеё — Марказ газ йўлидан Хоразм ҳам бахра олапти. Тахиятошдан нур оқиб келмоқда. Натижада областнинг ёнгили-энергетика базиси мустаҳкамланди, ишлаб чиқариш маданияти ва меҳнатни механизациялаш йўлга қўйилди, меҳнаткашлар турмуши яхшиланди.

Сўнги йилларда йирик панелли уй қуриш комбинати, ғишт заводи, тикувчилик фабрикалари, суг-ёғ комбинати, бир неча пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш проблемаси ҳам ҳал қилинапти.

Партияимизнинг ер ҳўжаллиги ҳақидаги сиебати туфайли областимиз қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бегиде ривожланди. Айнақса, пахтачиликда катта ютуқларни қўлга киритди. Агар 1923 йили

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 1 (37) . 1970

январь

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

1925 йилдан  
чиқа  
бошлаган

Мадёр ХУДОИБЕРГАНОВ,  
Ўзбекистон КП Хоразм область  
комитетининг биринчи секретари

# ёшумли хоразм



Хоразм давлатга санкиз ярим минг тоннага яқин пахта сотган, ёни гектаридан бори ўғри уч центнерга яқин ҳосил олган бўлса, бугунги кунда ялли ҳосил 376 минг тоннага етди. Ҳосилдорлик эса ўртача 37 центнерни ташкил этаётти. Хоразм ҳозир совет пахтачилигининг машғалига айланган.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам кўлга киритган ютуқларимиз анча салмоқли. Ўтган йили областимиз давлатга 16 минг тонна шоли, 1184 тонна пилла ҳамда жуда кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева етказиб берди.

Бу муваффақиятлар асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал суръатлар билан тараққий эттиришнинг бош омиллари — сугорич тармоқларини мукамаллаштириш, комплекс механизацияни жорий этиш ва кимё мўъжизаларидан тўлароқ фойдаланиш ётади.

Ҳозир областда пахтачилигининг ҳақиқий академиклари етишиб чиқди. Дондор пахтакорларимиздан 17 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон эгасидир. Шулар жумласига гектаридан 60 центнердан ҳосил олган Тўра Раҳимов, 50 центнерчи Ободон Дўсова каби бригада бошлиқлари ҳам. Искандар Дўсов, Карим Раҳимов, Искандар Юсупов каби юқори ҳосиллик колхоз раҳбарлари ҳам киради. Областимизнинг машғал райони Янгиариқда йил сайин 40 центнердан ошириб пахта етиштириш анъанага айланди. Бу райога узоқ йиллардан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Маткаримов раҳбарлик қилиб келаётти.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муттасил ўсиши, колхоз экономикасининг юксалиши ва колхозчилар маданий-маиший ҳаётининг яхшиланиши учун омил бўлмоқда. Областимиз колхозларининг даромади кейинги уч йил ичида 171 миллион сўмга кўпайди, деҳқоннинг бир кунлик ўртача иш ҳақи эса 3 сўм 53 тийинга етди.

Ҳозир область партия ташкилоти диққат марказида КПСС Марказий Комитети октябрь (1968) Пленуми қарорлари асосида пахтачилигини яна ҳам ривожлантириш масалалари турибди. Бу вазифани ҳал этишда Туямуён сув омборининг қурилиши катта роль ўйнайди. Хоразмнинг бу сунъий денгизи шу йил қурила бошлади. Сув омбори тўла ишга тушган, Хоразм воҳаси сув таъминлигидан бутунлай халос бўлади, Амударё пасттекислиги пахтачилигини ва поликорликнинг туғнамас хазинасига айланади.

Ўтган 50 йиллик ичида областимизда чивакам маданий революция тантана қилди. Мана бу рақамларга разм солинг: 1927 йилда Хоразмда 3 процента яқин саводхон бор эди. Эндиликда областимиздаги маҳаллий аҳолининг шунча проценти олий маълумотли кишилардир. Ҳозир бизда 400 тача умумий таълим мактаблари, битта институт ва етти ўрта махсус билим юрти бор. Тўққизта газета чиқаяпти, телестудия, телемарказ орқали Тошкент ва Москва томошаларини кўраймиз, маданият саройлари, клублар, қироатхоналар, бир неча музей, музыкали драматик театр меҳнаткашлар хизматида.

Аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш бўйича кўп ишлар қилинди. Област маркази Урганч республикамиздаги чиройли шаҳарлардан бирига айланмоқда. Бобокалон шаҳар Хивамиз ҳам йил сайин чирой очмоқда. Шаҳарда тарихимизнинг мўъжизакор обидалари билан ёнма-ён замонавий иморатлар, саройлар, турли хил маданий-маиший иншоотлар қад кўтараяпти.

Ҳозир хоразмлик бутун меҳнат аҳли доҳиймиз Владимир Ильичнинг 100 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаш билан банд. Ўтган йили ҳам пахтакорларимиз табиат

қийинчиликларини енгиб Ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Ватанга 360 минг тонна Хоразм пахтаси армузон этилди.

Хоразм халқ инқилобининг ярим асрлик тўйи кунларида қизиқ бир воқеани эслаб ўтиш ўринлидир. Бундан салкам эллик йил муқаддам ёш Хоразм Халқ Республикасининг ҳукумати меҳнаткашлар оммасининг истагини ҳисобга олиб доҳиймиз Ленинни Меҳнат ордени билан мукофотлаган эди. Хива мисгарлари зарб этган бу орден Шарқда меҳнаткаш халқни кўп йиллик азоб-уқубатдан озод қилишнинг рамзи бўлиб туюлган эди. Мана, орадан ярим аср ўтди. Ўз бахти учун курашган халқимиз эркин ва нурафшон ҳаётга эришди. Бугун Хоразм водийсини кезган одам бежирим шаҳарчалар, чиройли, обод қишлоқларни кўриб қувонади, озод меҳнат галаба қилган юрт кишилари нималарга қодир эканининг гувоҳи бўлади.

Хоразм халқ инқилобининг 50 йиллиги кунларида биз босиб ўтган йўлимизга қараб фахрланамиз, янги чўққиларни кўзлаймиш. Бу чўққилар, албатта забт этилади. Чунки Хоразм меҳнаткашлари совет халқларининг қардошларча оиласида яшаб, Коммунистик партиянинг муттасил ғамхўрлигидан баҳра олиб турибди.



Хоразм областининг географик картаси.



# Улуз хассос қалб

В. И. Лениннинг ҳаётида санъат катта ўрин тутган. Санъатга қизиқиш унда жуда эрта уйғонган эди. Ульяновлар oilасида айниқса мусиқани жуда севишар. Володя опа ва укалари билан тунгача ўтириб музика тинглар, биргаликда қўшиқ айтишарди. У айниқса А. Верстовскийнинг «Аскольдов қабри», А. Доргомижскийнинг «Тўй» романсин, Ш. Гунонинг «Фауст» операсидаги ариалларни жуда ёқтирарди. Язюновнинг «Сузувчи» қўшиғини эса синглиси Ольга билан жўр бўлиб айтишарди.

Владимир Ильич кейинчалик давлат ва партия ишлари билан қанчалик банд бўлишига қарамай, музикага бўлган муҳаббатини бутун умр сақлаб қолди. 1903 йили чет элдан ёзган хатида: «Яқинда, шу қишда, биринчи марта яхши бир концертга бориб, жуда мамну бўлдим. Айниқса Чайковскийнинг охириги симфониясини эшитиб қувондик», дейди. Муҳожирликда Владимир Ильич билан яшаган ўртоқларининг айтишича, у ҳар қандай ишни ташлаб бўлса ҳам музика эшитиш учун вақт топар эди. Н. К. Крупская ўз хотираларида Владимир Ильич Бетховен асарларини, жумладан унинг Патетик сонатасини жуда яхши кўрганлигини айтиди. 1918 йилнинг сентябрь ойида Владимир Ильич Свердлов залда Пятницкий хорининг концертини тинглагани боради, концерт унда катта таассурот қолдиради. Эртаси куннинг у Пятницкийни кабинетига чақириб, хорининг келажиги тўғрисида суҳбат қилади, унга қандай ёрдам керак бўлса берилажagini айтиди. Ҳозир В. И. Лениннинг квартирасида хор қатнашчиларининг Пятницкий билан тушган расми сақланмоқда. Бу суратни дохияга совға қилишган эди.

Владимир Ильич санъатга шунчани қизиқиб қолмасдан, бу соҳада Маркс ва Энгельснинг материалистик таълимотини ривонлантириб, методологик аҳамиятга эга бўлган партиявийлик ҳамда инъикос назариясини яратди. В. И. Лениннинг партиявийлик принципи ҳар қандай санъатнинг синфийлигини, илгор голларни акс эттиришини, буржуа санъати билан социалистик санъат ўрасидаги тафовутни тушунтириб берса, инъикос назарияси санъатнинг моҳиятини, унинг воқеликка бўлган муносабатини ифода этиб беради.

В. И. Ленин ҳар бир санъат асарига ҳалқ манфаати нуқтаи назаридан баҳо беради, у воқеликни реал акс эттирувчи, нишига маънавий куч бағишловчи, уни гўзаллини сағи етакловчи асарларни севаар, воқеликни бузиб кўрсатувчи буржуа санъатининг турли кўринишлари бўлган кубизм, футуризм, символизм каби оқимларга нафрат билан қарар эди. Владимир Ильич Иларэ Цеттин билан қилган суҳбатиди

бу ҳақда: «Мен экспрессионизм, футуризм, кубизм ва шу каби «изм»ларга оид асарларни бадий маҳоратнинг олий намунаси деб ҳисоблай олмаيمان. Мен уларни тушунмайман. Улар мени завқлантирмайди», деб айтган эди. Ленин билан турли кўргазмаларда бўлган ўртоқлар дохийнинг бундай санъат намуналарига муносабатини кўрсатиб берувчи кўп харақтерли фантларни келтирадилар. Масалан, А. Магарам яқинда босилиб чиққан хотираларида қуйидаги мисолни аслайди. 1916 йилда Лозаннада футуристларнинг кўргазмаси очилади. Бу кўргазмада уша пайтда футуристларни янглишиб новаторлар деб ҳисоблаган А. В. Луначарский бу оқимни ҳимояга олиб маъруза ўқийди. Кўргазмада Владимир Ильич ҳам иштирок этади, Луначарскийнинг лекциясидан сўнг кўргазмани томоша қилиш бошланади. «Қамонча, бир қанча нота ва қулқ расми солинган катта холст олдида тўхтадим, — деб ёзади А. Магарам. — Бундан ташқари полотнода турли рангдаги спираль, унинг ўртасига эса мисдан қилинган алланима ёпиштириб қўйилган эди. Рамканинг тағидида бронза тахтачага «Скрипка Фриц Крейслернинг портрети» деб ёзиб қўйилган. Мен картинанинг госяига тушунолмай хайрон бўлиб турганимда, тўсатдан ёнимга Владимир Ильич иелиб: «Хўш, расмом, сизга бу «ге-ниал» асар ёқадими?» — несатиб мурожаат қилди. Мен санъатдаги бу йўналишни яхши билмаслигимни, унга тушунолмаслигимни айтдим. Шунда Ленин: «Буни тушунишинг ҳам ҳожати йўқ. Бу гирт фирибгарлининг ўзи», — деди. Владимир Ильич ҳаётининг охиригача модернизмнинг турли шаклларига қарши шифақтсиз нурад олиб борди, унинг тушуноллик ва ахлоқсизлиқни тарғиб қилишини кўп марта уқтириб ўтди. Бунга юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган реалистик санъатни

қарши қўйди. Юқорида нелтирилган эпизоддан сўнг Владимир Ильич А. Магарамни расмом Клод Моненинг реалистик картинаси олдига олиб келиб: «Мана бу суратни қаранг. Мен расмомлини техникасини билмайман, расмом қандай қилиб ана шундай ёқимли таъсир кучига эришганини билмайман, бироқ мен бу суратдан эстетик завқ олапман. Уни ҳузур қилиб кўрляпман», — дейди. Бу Владимир Ильичнинг ўткир дидидан, санъат асарини чуқур ҳис этилишидан далолат беради.

В. И. Ленин реалистик санъатни севганлигини кўрсатувчи омилардан бири унинг ўтмиш меросига муносабатида янада ёрқин намоён бўлади. Революциянинг дастлабки илларида пролеткультчилар ўтмишнинг реалистик меросини инкор этиб, бутунлай янги заминда пролетар маданиятимизни яратамиз деб даъво қилиб чиққанларида, В. И. Ленин ўтмиш санъатининг прогрессив томонларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Пролетар маданияти ўтмишдаги практик прогрессив маданиятнинг қонуний тараққийтидан иборат эканлигини уқтиради.


В. И. Ленин пролеткультчиларга қарата газаб билан: «Нима учун биз ҳақиқатан ҳам гўзал бўлган нарсадан у «эски» бўлганлиги туйфайлигина юз ўғирар эканмиз, ундан воз нечар эканмиз, нима учун ундан келгуси тараққийёт йўлида негиз сифатида фойдаланмас эканмиз? Нима учун биз фақат лиги нарсига худога сажда қилгандек, сажда қилишимиз керак? Нима учун «у янги» бўлганлиги учунгина унга маҳлиё бўлишимиз керак? Бу беъаъилилик, турганбитгани беъаъилилик!» — деган эди. Шу позициядан туриб Владимир Ильич «Ўтмиш ёдгорликлари ва бадий бойликлариини сақлаш ҳақида»ги декретга имзо чекади. Бу декрет ёш ишчи-деҳқон хунуматининг асрлар давомида ҳалқ томонидан ярилган санъат асарларига, яъни ўтмиш меросига тўғри муносабатининг ёрқин намунаси

бўлди. Декретда, агар ўтмиш маданият бойликларидан биронтаси йўқолса, у ҳолда революцион қонун асосида гуноҳкор шифақтсиз суд қилиниши ҳам айтиб ўтилган. Владимир Ильич ўтмиш маданият ёдгорликлари реставрация қилинаётган жойларга шахсан ўзи бир неча бор бориб турди.

Владимир Ильичнинг санъатга бўлган гамхўрлиги театр соҳасида ҳам кўринади. Граждандлар урушининг оғир йилларида ҳар томондан театрларни бекитиб қўйиш керак деган гаплар чиқа бошлайди. Чунки улар катта маблағни, кўп элентроэнергияни талаб қиларди. Ҳалқ Комиссарларининг Советида Большой театри бекитиб қўйиш ҳақида таклиф тушганда, уни овозга қўйишдан олдин Владимир Ильич масалани бундай ҳал қилишнинг нотўғрилигини тушунтирди ва шу йўл билан Большой театр сақлаб қолди. Лениннинг айниқса К. Станиславский ва Немирович-Данченконинг реалистик принципларига асосланган Бадий театрға муносабати бутунлай бошқача эди. Владимир Ильич Бадий театрини жуда севаар, унинг тарбиявий аҳамиятини юқори кўрди. А. В. Луначарский ҳам ўз хотираларида бу театрининг спектакллари Владимир Ильичда яхши таассурот қолдирганлигини баён қилади. Владимир Ильич Бадий театрга «Ваня тоға», «Возчик Геншель», «Тошқин», «Степанчиково қишлоғи» спектаклларини томоша қилган. Луначарский билан қилган суҳбатиди у: «Агар ўтмиш театрлари орасида қандай бўлмасин қутқариб ва сақлаб қолиниши лозим бўлган театр бўлса — у албатта Бадий театрди», — дейди.

Театр билан бир қаторда Владимир Ильич ўша йиллари эндигина ривож топиб келаятган кино санъатига ҳам катта эътибор берди. Кино санъатида дохийнинг эътиборини жалб қилган нарсаларало унинг тарбиявий аҳамиятидир. В. И. Ленин А. В. Луначарский билан суҳбатиди кинойнинг ана шу томонини назарда тутиб: «Ҳамма санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинойди», деб айтган эди. Ленин кино санъатининг тарбиявий аҳамиятини унинг оммавийлигида, эмоционал таъсирда деб ҳисоблади. Шу туйфайли у коммунистни голларни тарғиб қилувчи фильмларни кўплаб ишлаб чиқаришни, шаҳар ва қишлоқларда уни намойиш қилишни тавсия қилади.

Буларнинг ҳаммаси Владимир Ильичнинг санъатга чуқур қизиққанлигини ҳамда социалистик реализм методига асосланган санъатнинг тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо берганлигини кўрсатади. Умуман, В. И. Лениннинг санъат соҳасида илгари сурган фикрлари жуда бой ва бебаҳоқир. Уни тинмай ўрганиш совет санъаткорларининг шарафли бурчи.



Д. СИНЦКИЙ расми.

Биродар ИСКАНДАРОВА, ТашДУ фалсафа кафедраси аспиранти.

Ҳамид ҒУЛОМ

## ЯНГРАСИН

Яна етиб келди йилбоши —  
Тантанаси меҳнат аҳлининг.  
Йўлдошчилар ичра йўлбошчи  
Юзга кирди.

Улуғ ақлининг

Тиниқ олмос қирраларидан  
Нурга тўлди бутун бир аср,  
Қалб қўрининг зарраларидан  
Гулхан ёқди уч улкан насл.

Соқий, биллур қадаҳини тўлдири!  
Икки юз қирқ миллион жон — бир жон,  
Кўзлар юлдуз, чехралар гулдири,  
Ҳаминафасдир меҳнаткаш жаҳон.

Жамоат жам.

Давра тўрида  
Ҳамон ўйлаб дунё мушкулени,  
Байроқларнинг ёрқин нурида  
Тик турибди барҳаёт Ленин.

Ҳаммамизни кўради кўзи,  
Унга аён ҳар ўй, ҳар гурунг,  
Чақалоқнинг эрка кулгуси,  
Вьетнамликнинг юзидаги мунг.

Унга аён тарих измининг  
Йўналиши, мантиқ парвози.  
Унга аён коммунизмнинг  
Курраимизда янгроқ овози.

Унга аён ўзи ўрнатган  
Қурантларнинг жарангдор бонги,  
Октябрда абадий отган  
Йўқсулларнинг нурафшон тонги.

Юз йилдирки,

унинг йўлида

Янги дунё, давр ва ҳаёт.

Эркталаблар ўтли дилида

Ленин умид,

Ленин эътиқод.

Уйғонади халқлар, қитъалар  
Мудом тинглаб Ленин наърасин,  
Ундан кураш, ижод қут олар,  
Ҳа, янграсин,

мангу янграсин!

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

## ЧИРОҚЛАР

Чироқлар,  
Чироқлар,  
Заррин чироқлар,  
Нурингиз уланди киприкларимга.  
Нақадар ҳаёлга ўрар бу чоғлар,  
Бас келмай қоламан фикрларимга.

Бу кеча чироқлар сўнмагай асло,  
Тантана ҳукмрон ҳар хонамизда.  
Эски йил жуъаркан айтиб тасанно,  
Янги йил кўринар остонамизда.

Янги йил — янги қор каби беғубор,  
Қалблардан жой олар ихсанли илҳом.  
Дилларда тугамас шан оҳанглар бор,  
Уларга берурмиз янги-янги ном.

Номларки,  
Тиллардан тилларга ўтгай,  
Номларки,  
Чирокдай зарурдир элга.  
Эл эса меҳнатга бел боғлаган, шай,  
Ҳатто бир дақиқа учмагай элга.

Бирор он бенишон ўтмагай сира,  
Олдинда мунтазир янги режалар.  
Бахтимиз чироғи ёнмагай хира,  
Қундуздай порласин бугун кўчалар.

Уйлардан қўшиқлар оқсинлар янгра,  
Оқсинлар,  
Оқсинлар  
Бахт қўшиқлари.  
Чироқлар,  
Нурингиз қўйинда яйраб,  
Мен ҳам шод қуйлайин вақт қўшиқларин.

Чироқлар,  
Чироқлар,  
Заррин чироқлар...



Арча байрами.

М. ГРОМИКО расми.

## ЛЕНИН ХИВАДА

Хиванинڭ sanoqsiz tarixiy va inqilobiy ёдгорликлари ичида қизил гранитдан ишланган дохий Ленин ҳайкали алоҳида диққатга сазовор. Бу ёдгорлик 1924 йилда яратилди. Жунайдхон тўдалари кутуриб Хивага таҳдид солар, шаҳар аҳли ташқи дунёдан даярли узилиб қолган эди. Шундай оғир пайтда Лениннинг вафоти ҳақида шум хабар келди. Хоразм компартияси сафига жипсланган маҳаллий коммунист ва номсомулар Владимир Ильич номини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ҳайкал Россиядан Чоржўй станциясигача темир йўлда, сўнгра Амударё орқали Хивага ئەмада келтирилади ва 1925 йилнинг баҳорида шаҳарнинг энг хушманзара жойи — Нуруллабой истироҳат боғига ўрнатилади. Ёдгорлик, ҳали айтганимиздай қизил гранитга ўйиб ишланган. Бунинг рамзий маъносини бор: Ленин ўлган бўлса ҳам унинг гоёси гранитдек мустаҳкам; хон истибодининг қора тахти қулади, элопат, тенглик, биродарлик, инқилоб тантана қилди, Осиё ва Африка мазлумлари, озод Хоразм халқидан ибрат олинг, демакдир.

Обида шаҳарда ўрнатилган биринчи улкан инқилобий ёдгорликдир. То шу кунгача ҳаммамиз учун мўътабар ушбу ёдгорлик олдида тарихий ва инқилобий саналарга бағишланган йигинлар ўтназилади.

Яқинда бу ҳайкал ижодкори машҳур совет ҳайкалтароши Сергей Дмитриевич Меркулов (1881—1952) эканлигини аниқлади. У Владимир Ильичнинг Киев ва Ереванга ҳамда СССР Олий Советининг мажлислар залига қўйилган ҳайкалларининг ҳам авторидир.

Бу ёдгорлик олдида келиб дохий сиймосига боққан одам худди Ильич билан учрашганден, у билан гаплашганден, ундан маслаҳат олаётгандек ҳис этади ўзини.

Дохийнинг 100 йиллиги шарафига ёдгорлик қайта обод этилди, гир атрофига оқ мрамрдан безан берилди.

Собир ЮСУПОВ,

Хоразм тарих-революция музейи директори.

# Шиллар хиқояси

**Х**оразмлик дўстим Раҳмат Мажидийнинг олтиш ёшга кириши муносабати билан Урганчга борганимизда, Янгиариқ районига ҳам ўтдик. Биз билан ҳамсафар бўлган Раҳмат отанинг сафдошлари кекса коммунист Рўзимат Юсупов, Болта Давлатов ўртоқлар Хоразм халқининг ҳозирги бахтиёр ҳаёти тўғрисида қувониб, ҳаяжонланиб ҳикоя қилишарди. Зотан янгидан бунёд этилган кўракм бу чаманзор бог-роғлар, бири-бирига туташиб кетган яхлит пахта далалари, Хоразм заминига жон бағишлаган каналлар, мактаб, институт, клуб-қироатхоналар, амбулатория ва шифохоналар, йилловларда булутден силжиган чорва моллари, бу беҳисоб жамоат бойликлари халқ кўли билан яратилган ва бус-бутун халқнингидир. Бу ўринда шу халқ фарзанди, коммунист Раҳмат ота иштироки билан ташкил топган бир колхоз тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Илгирма саккизинчи йил. Хоразмда халқ инқилоби галаба қилганига саккиз йил тўлаётган пайт. Ҳали руҳоний ва заминдорлар, хон амадорларининг уруғ-аймоқлари бой берган имтиёзларини қайтариш ниятида змидан қўпорувчилик, ошкора босмачилик қилмоқдалар. Раҳмат ота билан бир вақтда Ленин комсомоли сафига кирган, Хоразм ленинчи ёшлар союзининг раҳбар ходимларидан бири Бибижамол Идрисова



Раҳмат Мажидий 20-йиллар комсомоллари орасида.

ни ўтда ёндириб қийнаб ўлдирганлар ҳам ўшалар эди. 1924 йилда Москвага ўқишга отланган ўттиз саккиз комсомол йигит-қиздан йигирма иккитасининг бўйнига тош боғлаб Амударёга чўктирган ҳам мана шу алампоздалар эди. Мана бугун ўша ўттиз саккизларнинг тирик қолганларидан бири Раҳмат Мажидий билан биргамиз. Бибижамолнинг сафдошлари бўлган йигирма икки қаҳрамон орзу қилган янги ҳаёт гулшанига. «Инқилоб» колхозига бораётимиз. Раҳмат ота бундан қирқ йил бурун бу район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, шунинг учун айниқса қариялар уни таниб, қувонч билан кутиб олишди. Айланаси бог, турли-туман мева дарахтлари билан ўраб олинган улкан шийпонга таклиф қилинди, «Инқилоб»чи ветеранлар билан суҳбатимиз қизиқ кетди.

— «Инқилоб» колхозининг тарихи бу ўтирган кексаларнинг умр йўлидир, — деди Ҳожид Болтаев, — ҳаммаси кечагидек эсимизда.

Бобожон ота Болтаевнинг сўзини маъқуллаб кетди:


— Бир қўлимизда кетмон, бир қўлимизда милтиқ, кундузлари далада ишлаб, кечалари колхоз чорвасини, омборни қўриқлар эдик.

— Ҳа, бузоқнинг югургани сонмохонага-ча! Босмачи тўдалар узоқ умр кўролмади. Совет суди барини жазаго тортиди. Агар биз шўро вакили Раҳмат ота бошлиқ комиссия орақсидан эргашмаганимизда ҳолимиз нима кечарди, билмадим.

Раис Каримжон Саъдуллаев кексалар суҳбатига яқун ясади:

— Бизнинг Хоразмдагина эмас, колхоз тусуми ҳамма ерда кескин синфий кураш билан барпо этилди. Сизлар, албатта, бу курашнинг ичига бўлгансизлар, менга ўхшаган ёшлар колхоз тузиш даврини фақат китоблардан ўқиб биламиз.

— Дарҳақиқат, замон ўтган сари тарихий воқеаларга жонли гувоҳ бўлган шахслар ҳам камаймоқда, — деди Мажид ота, — мана турунгимизда Хоразмда Ленинчи комсомол ёшлар союзини ташкил қилганлардан кекса коммунист Рўзимат Юсупов, Болта Давлатов ўртоқлар ўтирибдилар. 1929 йили мен вилоятга хизматга кўтарилиганимда ўрнимга ўртоқ Рўзимат Юсупов шу район партия комитетига секретарь бўлиб қолган эди. У дамлар ўзига хос тарихий давр эди. Ўзига хослиги шундан иборатки, Хоразмда Совет ҳокимияти ҳали у қадар мустаҳкамланиб етмаганди. Айниқса бу районда аҳвол оғир эди. Ет унсурлар, руҳонийлар, босмачилар ҳукумат тадбирларини бузиш учун ҳеч қандай жиноятдан тоймасдилар. Ҳисданлар урушининг машҳур қаҳрамони Аҳмаджон Иброҳимов бошлиқ отряд босмачилик ҳаракати қолдиқла-



Дошоқа канали бўйида.

рини тугатиш билан машғул бўлди. Ана шундай шaroитда ер-сув ислохоти ўтказдик. Аваз қози эсингиздами, Бобожон ота?

— Ҳовва, сиз миниб юрган ўша оқ тулпор Авазбой қозиники эди-да! — деди Бобожон ота.

— Навбат Авазбой қозига етганда, у, мени мол-мулкдан маҳрум қилишга ҳақларинг йўқ, деб туриб олди. Комиссиянинг қўлида Авазбой қозининг мулки ҳисобланган ерларнинг картаси бор эди. Авазбой қози жуда бадавлат одам бўлиб, маълум бўлдики, Россия ярмаркаларига ҳам қанаб турадиган жаҳонгашта бой эди.

Биз ўша кунлари кунун кучига кирган «Ер-сув ислохоти низоми»дан бир нусхасини Авазбой қози қўлига тутқаздик.

— Агар қўлингизга кетмон олиб, ўзингиз қўш қўшиб, гўза сўғориб, ер чопиб, ўтоқ қилиб, пахта терадиган бўлсангиз, батрак ёки чорикор кучидан фойдаланишдан воз кессангиз, ўйлаб кўрамиз, балким сизга ҳам бир тақсим ер, мол-ҳўкиз берармиз, — дедик.

Бу сўзларимиз Аваз қозига унча ёқмади. У бошини чайқаб-чайқаб бир оҳ урди-да, супага ўтириб қолди. Тирсагини тиззасига тиради, панжаси орақсига бошини олиб сукутга кетди...

— Қарийб қирқ йил бурун ўтган бу воқеани қайта асга олишдан мақсад шуки, — деди Раҳмат ота, — ҳукуматимиз ер-сув ислохоти ўтказишдан фақат меҳнатқат деҳқон манфаатларини назарда тутган эди. Бу улур маърака даврида «Ер-сув — ишлаганики! Фақат ишлаган тишлайди!» шioriини маҳкам ушлаб иш қилдик, кўплашиб уни амалга оширдик. Мана «Инқилоб» колхозини меҳнатқашларининг ноз-неъмат тўла дастурхонига меҳмон бўлиб ўтирибмиз. «Инқилоб»чилар эришган улкан ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансалар о!

Биз колхоз раиси Каримжон Саъдуллаевнинг ҳикоясини мароқ билан эшитдик, унинг ҳикояси қисқа ва асосан рақамлардан иборат бўлса-да, мазмунини куюқ эди. Колхоздаги беш юз ўттиз ҳўжалик, беш минг жон жаҳоншумул ишларини қилиб қўйганлар! Тўққиз юз гектар ерга пахта экиб, ҳар гектаридан 39,1 центнердан оқ олтин ундиришнинг ўзи бир зафарнома. Эллик центнерчи бригада бошлиқлари Жуманазар Аннйёзов, Қурбонжон Шарипова ва Болта Сафоевлар бир неча йилдики, «Инқилоб»нинг йўлчи юлдузлари бўлиб келмоқдалар. Йўқ ерда бор қилинган богча-ясли, туғруқхона, шифохона, ўн ва саккиз йиллик мактаблар, замонавий уй-жойлар, радио, телевизор ва коллектив ҳўжаликларини санаб, ҳисобига етиб бўлмайди.

Ўрни келиб қолди. Раҳмат отанинг яна бир ҳикоясини эслаб ўтайлик.

— ...Қариндошларим орасида Матқуб тоғамга меҳрим бошқача эди. Тоғам меҳнатга муккасидан кетган, болажон одам эди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиларди.

Тоғам ота-онадан ёш қолган. Унинг бошига тушган кун ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Содда энанман, кейинроқ эсимни таниб, билсам, Хоразмда тоғамдан беш батрақлар ҳам озмунча эмас экан. Хоразм йигитларининг бошидаги мушқул савдолардан бири оила қуришнинг қийинлиги эди. Урф-одатга кўра, оилада қиз туғилса, ўғли бор оила билан ўзаро келишиб, «қанда-андачилик» шарт-шарoитини рoстлашардилар. Қиз балoғатга етгунча бўлажак куёв йигит қайнота ёки қайнона эшигида хизматкор бўлиб, кўлдек ишлаши одат эди...

Деҳқон чигриқдан ерига сув чўқариш учун нарбат етгунча қон ютарди. Мен тоғамнинг деҳқончилик юмушларига боқишиб юрардим, чигриққа қўшилган эшакка миниб айланганим айланган эди. Чигриқнинг зилдек юкига кўнгиб қолган шалпанг қўлоқ кўк эшак оғир-оғир қадам ташлаб айланар, чигриқнинг мунгли овози ухлаганда ҳам қўлоғимдан кетмас эди. Мудраб, гоҳо қалқиб, ошагим ёлини ушлаб қолардим... Ез вақтлари сув устида жанжал авжга минарди. Бир кун тоғамга нарбат келганда ариқда сув қуриб қолди. Маълум бўлдики, юқорида нимдир сувни боглаб олган. Кун иссиқ, жони ҳалқумига тиқилган тоғам елкасида кетмон билан югуриб кетди. Орадан кўп ўтмай, уни замoилда кўтариб келдилар. Хўпсиз, фақат ингарди... тоғам шу-шу ўнганмай, экин-тикин қаровсиз қолиб кетди. «Оғзида қиличи борларга сув йўғу, мен бева аёлга йўл бўлсин!» дер эди тоғамнинг бўлажак қайнонаси кўз ёшларини тиёлмай... Тоғам энди оёққа турган эди, кеч кузда хон амалдорлари келиб бошқа деҳқонлар қатори уни ҳам қон қақишди. Солиқ тўлашга қўриб етмаганларнинг чигриқда ишлатиб келган от, тую, эшакларини гала-гала қилиб Хивага ҳайдаб кетишди.

Мана Сизга икки замон, икки сўбoат, икки замон кишиларининг кўрган-кечирганлари. Октябрь социалистик революцияси ва улур Ленин даҳосининг меваларини оламга минг бор кўз-кўз қилсан арзийди. Ҳар йили тўрт миллион бир юз минг тонна оқ олтин яратиш, дунёга дoнг таратган ўзбекининг пешқадами хоразмликлар; жумладан «Инқилоб»чилар! Юқори ҳосил етиштиришда уларнинг тенги йўқ. Бу йил қирқ центнер учун курашмоқдалар. Бу эса жаҳон рекорди ҳисобланади.

## ҚИШЛОҚ ҒАЗАЛХОНИ

Урганч районидagi Янгидўрмон қишлоғида Янгибой ота Қурбоннйёзов деган кекса бир киши бор. У умр бўйи меҳнат ва ижод билан яшайди. Ўз шеърларини, ғазал ва рубоиларини фақат ҳамқишлоқларига ўқиб беради, унинг шеърлари ҳали ҳеч қаерда босилган эмас.

Янгибой ота ўз қишлоғида артель тузишда актив қатнашган, правленийда котиб бўлган, ҳисобот ишларини юритган, кейинчалик богбон бўлиб ишлаган. Ҳозир етмиш ёшда, пенсияда.

Орзу таҳаллусларини таллаган Янгибой ота ўз ғазалларида инсонийлик, тўғрилиқ, вафони улуглайди.



Ўтидилар доною оқиллар, барн хислатлидир,  
Кимки меҳнатда, унинг ҳар бир йўзи ҳикматлидир.  
Сен қозон юзи қоро деб отма нафрат тошини,  
Турли неъмат ичида доим пишиб лаззатлидир.  
Мис гўзал, юзига олтин сув бериб қўйсанг баҳо,  
Мис баҳосидин зинд олмас, нечун — иллатлидир.  
Кўнгли гавжи тўлса гар илму-ҳунардин ҳар киши,  
Эғнида йиртиқ либос бўлган билан иззатлидир.  
Ешинга мағрур бўлиб қилма ҳақорат ёшини,  
Маърифатсиз шайхдин илм бирла ёш ҳурматлидир.  
Камбағалга келса меҳмон, олдинга чиққай кулиб,  
Меҳмондин юз ўтирган бойдин ҳўматлидир.  
Мард йигит бош эгмагай нокасага ҳалвоси учун.  
Ўз уйида оши-ёвгон яхши, беминнатлидир.  
Дўсти-душманни билурсан тўшса гар бошинга иш,  
Баъзисин ҳолинг сўрарлар, баъзисин нафратлидир.  
Орзу қилтиқ қаноат, элма ҳар эшикка бош,  
Меҳнатнинг бирла нонинг ўз жонинга роҳатлидир.

Эй кўнгли, бўлти адаб бўстонида гулнорлар,  
Кўрса гулни тож этар бошига ҳар дилдорлар.  
Одамийларнинг гулидир бўлса ҳар ким боадаб,  
Беадабдин доимо жонга етар озорлар.  
Мажлис ичра ўлтириб беҳудага тил очмағил,  
Кўп кишилар тил балосидин бўлибдир хорлар.  
Яхши бўлсанг яхши дерлар, чун ёмон бўлсанг агар,  
То жаҳон борича бадноминг қилур изҳорлар.  
Билмай ўз ҳолинг ҳавога учма, эй кўнгли қуши,  
То тушолмай ерга жисминг бўлмасин афгорлар.  
Гар саломат бўлмоқ истарсан жаҳонда, Орзу,  
Камсухану камтарин бўл, бас сенга гўфторлар.





Ерга биринчи қор тушди. Бизнинг қишлоқларда биринчи қорнинг ажиб гашти-қаловати ҳамда ташвишлари бор. Қандай ташвиш дейсизми?

Қор хатга майингиз қалай?  
Уқитувчилар хонасида директор иккимиз ўлтириб, деразадан ташқарига завқ билан қараб турибмиз. Қўнғирондан кейин мактаб ҳовлиси тинчиб қолган. Супадаги дарахтларнинг шох-новдалари, гуллар бутоғи оппоқ қор билан қопланган.  
— Бай-бай, қор ҳам қор бўлди, шогирд! — Бирортасига қор хат ёзмаймизми?  
— Майли, бирор чўнғил сиғар биродаримизга...  
— Чўнғил сиғардан ҳам кўра, шу баҳона билан бирон суҳтаси совуқни мулзам қилиб, попугини босиб қўйсан нима дейсиз?  
— Масалан?  
— Масалан, Султоновни...

Юрагим шув этиб кетди. Дўстлик ва шўхлик рамзи бўлиб қолган қор хат анъанасини хусумат йўлига ишлатсан яхши бўлмас, деб ўйладим. Индамай қолганимни директор розилик аломати деб билди чоғи, дарров муддаога ўтди:  
— Уттириг, шогирд, қалам-қоғоз олинг. Лекигин айтиб қўй, қор хатни Султоновга ўзингиз элтиб берасиз.

Мен ноилж кўндим. Домла қор хатнинг шартларини айтидиган, мен ёзадиган бўлдим:  
— Уттиз беш кишилик зиёфат. Дастурхон файзи

Зоҳир АЪЛАМОВ.

ЖАЖЖИ ҲИКОЯЛАР

Оқшом. Ишда бир-икки соат ушланиб қолганлар қайтадиган вақт. Одамларнинг кўзларида чарчоқ сезилади. Автобус ҳам кўни билан ишлаб толиқандек, секин юради. Тўхташ жойларига «тсс» деган товуш чиқариб, эринибоғина эшигини очади. Сўнгра яна «тсс» деб кўзгалади. Унинг бу овози чарчаган одамнинг «уфф» дейишига ўхшайди.

Автобус бир тўхтаганда унга ўн олти ёшлардаги қизча чиқди. Қошлари сал кўтарилган, кўзлари дунёга қизиқиш билан боқарди. Қизча билет олиб ўтирди, билет номерига қараганида юзи бирдан ёришиб кетди. Унга «бахтли билет» чиққанди. Эҳтимол қизча илк севги кўртагини, эҳтимол хаёлида тугилган бирор азиз нарсани шу билетга боғлагандир. Ишқилиб, у жуда мамнун эди. Ўн олти ёшда шундай майда-чуйдага ҳам астойдил ишонади одам.

Автобус яна тўхтаб, контролёр чиқди. Контролёр пенсия ёшига бориб қолган, кўзойнагини

бурнининг учига қўндириб олган, салқи юзли киши эди.

— Ўртоқлар, билетларингни тайёрланглар, — деди у ҳайдовчидан контроль варақни ола туриб. Билетларни йирта-йирта қизча олдига келди. Қизча билетини узатди-ю, жуда секин, жуда ҳам уялиб:

— Амаки, йиртмай қўяқолинг, бахтли билет экан, — деди.

Контролёр қизчага кўзойнаги устидан қараб, оғзини қийшайтириб:

— А? — деди.  
Кейин тушунди шекялли, илжайган бўлди-да, оббо зумраша-ей, ҳали она сутинг озингдан кегмапти-ю, бахтни ўйламан, — деб билетни бамайлихотир иккига бўлди. Орқага ўтиб биринки кишини ҳам кулдирди.

Қизча қип-қизариб кетди. Билетга қараб аста хўрсинди, маънос кўзларини ерга тикиб қолди. Унинг кичкина бахти, кичкина ишончи бепарво йиртилган эди.



Магазинга одамлар кириб-чиқиб турибди. Пештоқига «Болалар дунёси», витриналарига «Уст кийими», «Ўйинчоқлар», «Оёқ кийими» деб ёзилган.

Лекин магазиндан бир киши чиқиб эшик олдига туриб олди-да, ичкаридаги одамларни чиқариб, кирмоқчи бўлганларга «мумкин эмас, ёпилиди» деб йўлини тўсди. Унинг семиз юзидан ҳам, қисқич кўзларидан ҳам, ҳатто сал қийшайтирилган кир шапкасидан ҳам ишини гоёт мамнунлик билан бажараётганлиги билиниб турарди. Дам соатига, дам ўтиб кетаётган қизларнинг оёқларига қарарди.

Худди шу пайт оёқчаларини тап-тап босиб, ети-саккиз ёшлардаги оппоқ юзли бола югуриб келиб, магазинга кирмоқчи бўлди.

— Ҳой, ҳой, қаёққа? Қўрмаялсанми, магазин бекилди, — Шапка болани четга суриб қўйди.  
— Амаки, жон амаки, қўйворинг, ҳув анави айиқчани оламан-у, чиқаман.

— Ие, айиқчани эмиш, жўна!  
Бола у ёқ-бу ёққа аylanглар бошқа дўнонларга қаради. Кейин витриналарга бесабр кўз югуртирди. Бу орада эшик олдига бир неча одам келиб кетди. Улар «бир минутга кириб чиқай» ёки «янги нарсалар келипти, бир кўрсак бўладими» деган илтимосларига «йўқ» жавобини олиб индамай кетавердилар. Бола бу вақтда

учун: қаймоқча қорилган 20 та патир. Ичимлиларнинг ранг-баранг бўлишига риоя қиласиз: столичний, беш юлдузли коньяк, қизил шампань... Дастурхон бегази диққат марказингизда бўлсин: попули конфект (бир неча хилдан), анор, кўн майиз, ёнғоқ, бодом, pista, узум... Таомлар-масаласида айниқса хушёр бўлинг: думба ёғида ювурма, тандир-кабоб, чучвара (пиёзи камроқ бўлсин)...

— Домла, шартларимиз ошиб нетмадимикан? — дедим чучиб.

— Чўчиманг, шогирд, Султоновнинг бели бақувват.

Телефон жиринглади. Директор ўгирилиб трубкани олаётганида, миляга ялт этиб бир фиор келди: қор хат Султоновга эмас, директор Жалолиддиновга деб ёзилса нима бўлади?

Хатнинг тепасига шартта ёздим: «Муҳтарам директоримиз ўртоқ Жалолиддиновга қор хат».  
Хатни тўрт букаладим-у, домлага бердим:  
— Уқиб чиқинг-чи, тўри ёзибманми?

Ўзим секин сирғалиб эшикка чиқиб кетдим. Уша кун директорга қайтиб кўринмадим. Кўрганларнинг айтишича, кечгача оғзи кўпинлианиб, бир неча бор эси оғиб қолган эмиш...

Раҳимин келиб бўлак хат киргиздим: «шартларимиз беюор. Дўстлик ва шўхлик аломати бўлган қор хат ёзиш анъанасига доғ туширгим келмайди».

Кейин ярашиб кетдим.



Ўйинчоқлар кўриниб турган витрина олдига борган эди. У олмоқчи бўлган айиқча икки қўлини ёзиб, қип-қизил оғзини очганча кулиб ўтирарди. Болага айиқча уни масхара қилаётганга ўхшайди. Айиқчага қараб бола ҳам лабини қийшайтириб тилини кўрсатгач, қайтиб эшик олдига келди.

— Амаки, қўйворақолинг. Ўртоғимнинг тургилдан кўни эди. Айиқчани совга қилмоқчийдим. Адамлага айтувдим, эсларидан чиқиб қолди. Жон амаки, ҳали сотувчилари ҳам турибди-ку.  
— Бор, бор-э қулоқ-мияни евординг.

Бола яна ўйинчоқлар ёнига қайтди. Энди ундан ҳамма ўйинчоқлар кулаётгандек, айиқча эса унга хайрихоҳ бўлиб йиғлаётгандек туюлди. Унинг қоп-қора думалоқ кўзлари йилтирарди.

— Жон амаки, қўйворақолинг. Пулим ҳам қайтмасиз. Ўлай агар. Мана ишонмасангиз санаб кўринг.

— Ҳали ҳам шу ердამисан, зумраша! Жўна!

Бола унинг важоҳатидан қўриқиб нари кетганда, Шапканинг юзига яна мамнунлик ва биллир-биллимс жилмайиш кўнди. Бола эса узоқроқда айиқчани қўзатганча анча туриб қолди. Ўртоғининг тугилган кўни эсига тушиб, эшик томонга ўтирилди, у ерда ҳеч ким йўқ эди. У йиғлаб юборди.



Таниқли олимимиз Музайяна Алавия 60 ёшга тўлди. У кишининг адабиёт фанимиз, хусусан ўзбек халқ оғзани ижодиёти намуналарини йиғиш, саралаш ва нашр эгиндек қўтлуг ишлари айниқса олқинга лойиқ. Музайяна — хассос шоира ҳамдирлар. Унинг қатор шеърини асарлари орасингиларимиз қўлидан тушмай келади. Чунки шоира уларнинг дилларидагини топиб айтади.

Тўйлари муносабати билан хурматли опахонимизга табригимизни йўллаган эдик.

У киши «Кундалик дафтар»ларидан «Гулистон»хонларга бир лавҳа юборибдилар.

## КУНДАЛИКДАН БИР САҲИФА

1953 йил...

Биз облиқлик қариндошим Мунаввархоннинг ҳовлисига тушдим. Бизга Қурама тоғлари орасидаги Лашнарак қишлоғида Матғози исмли бахши борлигини айтишди. Боришга қарор қилдим. Йўлда Нишбоши деган қишлоққа бир оз дам олгани тушганимизда Қорабош Туёқов деган ўланчини топдим. То шериларим дам олишгунча мен у кишидан бир неча ўлан ёзиб олдим. Яна йўлга тушдик. Ниҳоят Лашнаракка етиб келдик. Лекин Матғози отанинг уйига одам юбориб, уни топа олмадик. Унинг қаерга кетганини ҳеч ним билмас экан. Қизиқ...

Тоғ оралиғидаги ўрмон қоровулинкига жойлашдик. Кечга томон шу қишлоқлик бир аёл ёрдамида Матғози отанинг тоғ ён бағридаги уйига чиқдик. Бевақт келган меҳмонни отанинг хотини бир оз ҳайрат билан бўлса-да, илиқ нутиб олди. Аста-сенин сўхбат бошланиб кетди:

- Болангиз борми? — сўради аёл.
- Бор. Икки ўғил, бир қиз.
- Бир томоша қилайлик деб чиққан экансизлар-да!
- Ҳа, ҳам иш, ҳам томоша. Ҳамроҳларим ичига аёл ниши биргина мен эдим. Шунинг учун сизнинг ёнингизга келдим.
- Жуда яхши қилибсиз, хуш кўрдим. Менга уйга, ўзига пешайвонга жой солди. Алламаҳалгача ухлай олмадик. Эл бир уйқуни олганда Матғози ота эшагини «хих-хих»лаб нелиб қолди. Унинг биринчи саволи шу бўлди.
- Анавилар нетдими?
- Бирови уйда,— жавоб берди хотини. Бунда бир сир бор, деган фикр яна хаёлимдан ўтди.
- Эртасига тонг қоронғусида турдим. Энди йўлга отланмоқчи бўлиб турган отанинг қаршисига чиқиб салом бер-

дим. Матғози ота бу нутилмаган ҳолдан ҳайрон бўлиб қолди:

- Келинг, меҳмон, келинг,— деганча айвон четига омонатгина ўтирди. Шошиб қолганидан қўлидаги халачўпини ҳам ташламаган эди, отага нелишимизнинг сабабини ётиги билан тушунтирдим. Шундан кейингина ота жонланиб, хотинига деди:
- Қатлама қил, мен пастдан меҳмонларни олиб чиқай.

Сўнгра менга юзланди:

— Қизим, тоғли жойда ўсган одамлар содда бўлади-да, узр энди...

Кечадан буён мени қийнаётган аҳволнинг сирини Матғози ота экспедиция аъзолари билан қайтиб келгач аён бўлди.

Биз Нишбошида чой ичиб ўтирганимизда Лашнаракка Матғози отанинг куйларини магнитофонга ёзиб олиш учун бораётганимизни эшитган бир ниши то биз етиб боргунча Матғози отага хабар берибди:

— Тошнентдан етти одам машинаси билан сени қидириб нелайтир. Думбирада айтадиган куйларингни машинаси тортиб олиб нетар экан.

Матғози ота бу гапга ишониб икки довон оша бир ошнасиникига кетиб қолганлигини кула-кула айтиб берди. Уша кунни отадан кўпгина аюйиб кўшинлар, ўланлар эшитдик. Аммо ёзиб олиш учун электр токи йўқ эди. Шаҳарга бориб ёзайлик десақ, ота, ҳеч машинага тушмаганман деб кўнмади. Ниҳоят отани кўндирдик. Тешинтош деган жойдаги бир мактабда ёзиб олдик.



## Хоразм шоирлари

Эгам РАҲИМ



### Йил ва инсон

Боғ йўлларин оралаб, елиб, Бардош бермай эрийдим соя. Туи чекилар тонга йўл бериб Ва ҳатлаимиз бир зинапоя.

Эй умрга мезон — тарозу, Эй сиз йиллар, бепарво йиллар, Сукут сақланг, сўзлашмоқ орзу. Вақтин кўринг сиз раво, йиллар.

Тақдир бизни қилган эгизак, Бир-бировга етакчи, ғамхўр. Изимизда қолдириб беизак, Юрмоқдамыз, қадамимиз зўр.

Бугун яна отландик йўлга, Кетмоқдамыз илдам, ёнма-ён. Олиб тарих тақдирини қўлга, Йил билан тенг юрмоқда инсон.

Дўстжон МАТЧОН



### Ғанижоннинг оғзи қон

Ўйинқароқ боламасми Ғанижон, Ойисига тутқич бермас эрта-кеч. Кўча-кўйда қилиб шовқин, тўпалоқ, Ҳаммаёқни чангитишни қўймас ҳеч. Мана бугун яна қошни қорайтиб, Остонада бўлиб қолди намоён. Кўриниши она дардин зўрайтиб, Вужудига солиб қўйди ҳаёжон. Қўрқиб кетди қўл-оёғи қалтираб, Тор кўринди кўзларига кенг жаҳон. Қарасакки янгарбанди ҳансираб, Турар эди қаршисида, оғзи қон. — Ўғлим,— деди зўрға ўнглаб

узини, Нима бўлди, оғзи-бурнинг нега қон? Жавоб берди ўғли сузиб қўзини: Қўшпи боғда шоҳтут ебди беармон.

# Титнакдан Юмуртовгача

«ХОРАЗМ — ҚУЁШ ҲЛКАСИ»

**Х**оразмга кўп борганман. Бу юртнинг нимасидир ҳамиша одамни оҳанрабодай ўзига маҳлиё этаверади: азалий заҳматқаш кишиларими, санъатпараст халқими, тарихий осори-атиқаларими, жарағ куй-қўшиқларими...

Мана, ҳозир ҳам ИЛ-18 бағрида (энди Хоразмга ИЛ-18 учди, Тошкент — Урганч — Москва ҳаво йўли очилган) келиб-япман-у, эски блокнотларни varaқлаб таниш-билишларни эслайман, уларнинг самимий, очиқ чехраларини кўз олдимга келтираман: колхоз тузумининг жонқури Аметжон Юсупов, маданий меросимиз шайдоши Собиржон Юсупов, дарё ошғи Янгибоб Худойберганов, Хоразмнинг боласидан чолиғача биладиган аломат инсон ва шоир Дўстжон Матчон... Дўстжон аянинг шахмат ўйнаганда «Отамнан голдими?» деб кетма-кет фигураларини бериб юборавериши, ютиб олганида эса «Ана, ҳороб бўлдим!» деб илжайиб туришлари кўз олдимга келиб кетди...

Блокнот varaқлайман, тарих ўгираман... Хоразмнинг бошидан кўп савдолар кечди. Бунга қат-қат тупроқ гувоҳ, тарихий мажмуалар гувоҳ, оғиздан-оғизга кўчиб келаётган ривоятлар гувоҳ. Кимки Моварауннаҳрга кўз тиккан бўлса, жанубдан Хоразм элини топтаб ўтган, гўзал Ўрта Осиёга кимнинг суқ назари илашса яна Хоразм оёқ ости бўлган. Шу «ҳовучдаккина» Хоразм тупроғида дарё-дарё қон оққан, тоғ-тоғ жасад қолган. Бу диёр кирлар, перовскийлар, доғлар, зулқарнайлар, чингизлар била-мardonavor олишган, элларини овод ва обод қиришни кўмсаганлар. Бу овозлик 1920 йилининг 2 февралда насиб қилди уларга.

Хоразмликларнинг эрқарвар ва меҳнатқаш эканликлари ҳусусида ажойиб бир афсона бор.

Қадим замонларда бир подшо ўтган экан. Унинг қўл остидаги бир вилоят одамлари зулм-истибоддан тўйиб галаён кўтарибдилар. Подшо ғазабланиб, исёнкорларнинг ҳаммасини қиличда ўтказмоқни амр қилибди. Бироқ орага подшонинг вазири тушибди. У кўзголончиларнинг гуноҳини тилаб олибди. «Ҳазратим,— дебди вазир,— бу бадномларни олиб бир чўлу биёбонга сургун қилайлик, токи улар хор-зор бўлиб ўша ерда ўлиб кетсин». Подшо рози бўлибди. Исёнкорлар сургун қилинибди...

...Орадан неча замонлар кечибди. Бир кун подшо узон сайрга чиқибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, ниҳоят бир ажойиб, гуллаган мамлакатга дуч келибди. «Бу қайси юрт?» деб сўрабди подшо. «Бу — Хоразм эли» дебдилар. Подшо суриштириб билса, бу — ўша ўзи бадарга қилган исёнкорлар мамлакати экан. Подшо ўйга толибди ва «Э-э, ўша хорлар энди азиям бўлибди-да...» дебди. «Хоразм» деган сўз шундан қолган экан...

Оташпарастларнинг муқаддас китоби «Авеста»да Хоразм — «Хварезм», яъни «қуёш ўлкаси» сифатида талқин этилади. Бу таъриф икки тарафлама тўғри. Аввало, Хоразм табиятан иссиқ юрт. У ёз бўйи Қоранку билан Қизилқум орасида ҳансираб ётади. Иккинчидан, жамки жон-жонивор, ноз-неъмат офтобда тезроқ этилади. Хоразмда туғилди воёга етган Муҳаммад Ал-Хоразмий, Беруний, Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Аваз Утар, Худойберган Дезовон, Сафо Муғанний, Чокар, Партавий, Шерозий, Комилжон Отаниёзов, Искандар Дўсов, Бодил, Ободон Дўсова сингари ўнлаб, юзлаб машҳур кишиларни эслаганимда «Авеста» муаллифларининг хато қилмаганини, ҳатто уларнинг сўзи қандайдир маънода рамзий эканлигини ўйлаб кетасан киши.

## ЖАЙХУН БҒИИДА

Хоразмлик журналистлар Эркин Мадраҳимов, Сафо Раҳим, суратқаш ҳамроҳимиз — тўртовлон саҳар Питнакка жўнадик. Урганч — Тошкент магистралдан кетаялдим. Йўллар серқатнов, кетма-кет машиналар, пахта карвонлари ўтади. Хоразм йўллари катта маъракага ҳозирлик кўраётган жонсарак хонадонни эс-латади.

Янгиариқ районига яқинлашдик. Икки тараф бора-боргунча пахтазор. Атрофдан ачимсиқ ҳид анқийди: дефолиация. Барглари шапалоқдай бўлиқ гўзалар дорини писанд қилмагандай, қорайиб туришибди.

— Гўзаям қўнимка ҳосил қиларкан, икки марта дори сочилди, баргини тўкмаляпти,— деб қўйди кимдир.

Сарапаён, Ҳазорасп ортада қолди. Мухомон қишлоғи бошланди. Хоразмча, паҳса девор билан солинаётган саф-саф уйлар учради. Тошкентлик шеригим ажабланди:

— Қизиқ, гиштдан солса бўлмасмикини? Бунақасини бирор областда кўрмаганман...

— Ота-бободан қолган расм,— изоҳ берди Эркин,— кейин, бунақа уй қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Узоқча чидайди.

— Томи ҳам лойшувоқ экан...

— Виз томонларда ёнингарчилик кам бўлади, чаккадан қўрқишмайди. Лекин, бир томондан, шифер топиш ҳам қийинроқ...

Сал нарида, чала кўтарилган бир уй тутаб ётарди.

— Гишт пиширишяпти,— яна тушунтирди Эркин,— бунақа усулни бизда хумбуз дейдилар.

Янгибозор қишлоғи. Шу ерда боғлар, экинзорлар адо бўлиб, яйдоқ чўл бошланди. Гўё бир боғбон шу ерғача дарахт кўкартириб келган-у, нарёғини шогирдларига ташлаб кетгандай эди. Питнак қирга ўрмаладик. Теварак қип-қизил, кафтдай саҳро. Чапда сарғайиб паст-баланд икки тепалик кўринади. Уларни Чингиз тепа, дейишаркан. Яна ривоят айтиб беришди: Чингизхон Хоразмга мўри-малаҳдай бостириб кирганида лашкарининг қудратини билиш ниётида ўша жойга биттадан тош ташлаб ўтишни буюрган. Аскарлар амрни бажо келтирганлар ва нариги баланд тепа ҳосил бўлган. Қайтишда у яна фармойиш берган, аскарлар тагин тош ташлаганлар ва бериги, кўримсизгина тепача қад кўтарган...

Шундоқ рўпарамизда қирмизи рўмолдай қилираб газ олови кўринди: манзилга яқинлашибмиз. Қўнғирот—Тошкент темир йўлини ёқалаб яна 10—15 минут юрдик ва эгиз қўзидай бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган қатор уйлар қўйнига шўнғидик.

Питнак қурилиш-монтаж бошқармаси ҳувиллаб ётибди. Фақат секретарь қиз ҳафсаласизлик билан машинага чиқиллатиб ўтирибди. У елиб-ютуриб бирпасда бизга бош инженерни топиб берди.

— Искандар Юсупович, меҳмонлар,— деди қиз бизни кўрсатиб.

Искандар баланд бўйли, қорача, эпчил, сермулозимат йнғит. У саволимизни эшитиб, бир varaқ қоғоз олди-ю, турли хил чизмалар чиза бошлади:

— Мана бу Амударё. Мана бу ердан Туронғи соқа. Тош соқа деган каналлар ўтади. Лекин бу каналлардан насос орқали сув олинади. Туямўйин канали битса, сув ўзи оқиб боради далаларга.

— Туямўйин неча километр?

— Узунлигимиз?... Ҳозирча 18. Бироқ кейинроқ 25 километр бўлади, эни 50 га етади. Унда Жанубий Хоразм канали, дейилади.

— Демак сув танқислиги анча камаяркан-да?

— Қамаймайди, бутунлай йўқолади. Тасаввур қилайсизми, Жанубий Хоразм каналидан севундига ярим минг кубометр сув ўтади! Бу областимизгагина эмас, Қорақалпоғистонга ҳам етади.

Яна тўгон ҳақида савол бердик. Искандар кулди:

— Минг эшитгандан бир кўрган яхши, нима дедингизлар?

— Албатта!— деди-у, бараварига қўзғалдик.

Пўл-йўлакка Искандар ишчилар посёлкасидан гап олди:

— Ҳозирча 24 уй қурдик. Биласизми, одамнинг уйдан қўнгли тинч бўлмаса, иши юришмайди... Шу, биз ҳам олдин ишчи-хизматчиларнинг ҳожатини чиқарадиган жойларни тезроқ битказиб бердик: катта магазин, боғча, ясли, машиный комбинат, кинотеатр...

У маъноли илжайиб сўради:

— Кечирасиз, отингиз нима?

— Саъдулла.

— Саъдуллака, гоҳо туриб-туриб ҳайрон қоламан ўзимча. Бу ерга негланмига тўрт йил бўлди. Тўрт йил олдин бу ерларда битта чўп йўқ эди. Ҳамма ёқ шўр, қум, тўқай. Энди қаранг! Наҳотки шуларнинг ҳаммасида менинг ҳам қўлим бўлса! Одамнинг сира ишонгиси келмайди.

— Кечирасиз, асли қаердансиз?

— Менми? Шу атрофдан. Бу ёққа келишда «Ленин» совхозидан ўтдирилари? Илгари «Ўзбекистон» эди. Шу ерданман. Олтимиш бешинчи йили Тошкентдаги ирригация институтини битирдим. Домлаларим аспирантурада қол, дейишди. Хўп, демоқчийдим, чол-кампир кўнмади. Шунча юрганнинг етар, энди кўз олдимизда бўл, дейишди. Ҳозир аспирантурада қолмаганимга унча ўқинмайман. Виласизми, ишнинг қизигига тушиб кетдим. Довм қовонда қайнагандай тошиб юрасан. Бир кун қувонч, бир кун ташвиш, бир кун қувонч, бир кун ташвиш... Лекин, барибир яхши.

— Сув омбори қачон курилади?

— 70-йилда бошланиши керак. Ўрта Осиёда энг катта бўлади. 7,5 миллиард кубометр сув тўплайди.— Искандар яна оппоқ тишларини ялтиратиб кудди,— пенсияга чиқсан, мироблигини оламан, деган ниятим йўқ эмас..

Инспекторлар, соддароғи мироблар йўлидан ҳадемай бош тўғонга етиб бордик. Каналда тутун бурқситиб землесослар турибди, икки тараф тоғ-тоғ қум-тупроқ. Қаршида баланд зар лавҳа. Пастда қўлбола минбар. Тўғон, эгарланган отдай, очилишга маҳтал. Нариди аса кўҳна Жайхун мулойимгина жимирлайди.

Искандар сураткашга ердاملаша бошлади. Эркин мени соҳилга таклиф қилди:

— Шунча ердан келиб Амударёга қўл ювмай кетасизми, юринг!

Дарё бўйига бордик. Мана, минг, миллион йиллик азим Жайхун. Қоп-қора тўлқинлар қарахт йўловчилардек, бир маромда олга интилади. Гоҳо бетон тахталар тўшалган кемтик соҳилга урлиб, қумуш тўзон таратади... Сувга қўл чайиб, тикилиб ўтирибман-у, хаёлимда мавҳум, тарқоқ фикрлар кезади. Қисмати дарёга боғлиқ одамларни ўйлайман. Инсон боласи ерга уруғ тики, деҳқончилик қилишни ўрганибдики, сув учун курашган, жон бериб жон олган... Қўш саҳро исканжасида ётган Хоразм тупроғи ҳам қирқиччоқ урушларнинг гувоҳи. Шу он тасаввуримдан липиллаб, хоразмлик дўстим Рўзимат Отаев айтиб берган ҳикоя ўта бошлади:

Бундан минг йил илгари салжўқийлар ҳукмдори Султон Санжар Хоразмнинг ярминя босиб олибди. Унинг нияти бу гўзал мамлакатни бутунлай забт этиш экан-у, бироқ уддалай олмай юрар экан. Шунда Санжар Туямўйин ёнида дарёни тўсиб қўйиб, Хоразмга бир қатра сув ўтказмабди. Деҳқонлар зор қақшай бошлабдилар. Хоразм шоҳи бир неча бор Султон Санжарга нома юбориб тўғонни очишни сўрабди. Санжар, «Агар қизингни менга никоҳлаб берсанг, очаман тўғонни, бўлмас йўқ» дебди. Шоҳ ўйга толибди: «Якна-ю ёлғиз қизим, бутун юртнинг танҳо гўзали... Босқинчига хотинликка кўнармикан? Бунинг устига агар Санжарни куёв қилсам, у куёвлик ниқоби остида Хоразмни тамоман ўзига қаратиб олиши мумкин...»

Шоҳ Султон Санжарнинг шартини қизига айтибди. Қиз рози бўлмабди. Қурғоқчилик давом этиб, халқнинг типкаси қурибди. Оқябат, шоҳ қизига ялинбди:

— Жон болам, кўп де бадбахтнинг шартига. Халқни ҳалоқатдан қутқар...

— Майли,— дебди қиз бир неча кунлик муҳлатдан сўнг,— менга қирқ бия топдириб беринг. Фақат янги қулунлаган бўлсин.

Шоҳ ҳайрон бўлиб қирқ бия топдириб берибди қизига. Қиз хизматкорларини ёнига олиб йўлга чикибди. У кўҳна Урганча битта қулунни боғлатиб, опасини етти-саккиз чақирим нарига олдирибди. У ерга битта қулун билан кўҳна Урганчада қолган қулуннинг опасини боғлатибди. Шундай қилиб, дарёгача етибди. Султон Санжарга йўлиқиб, «Мен шартинга розиман, лекин аввал, тўғонни оч, кейин гаплашамиз» дебди. Санжар тўғонни очибди. Вўйлиб ётган Амударё қақроқ ерлар ичидан ланғиллаб кетибди. Қиз, тўғон тоза бузилгунча қараб турибди. Кейин тагидаги биясига қамчи урибди. Боласининг ишқиди типирчилаб турган от ўқдай отилиб кетибди. Султон Санжар қизнинг хийласидан бошини чагналлаб қолди: «Бопладинг мени, айёр! Фитнага учдим, фитнага!» деб қичқирабди-ю, отга миниб маликани қувибди. Лекин қиз ҳар саккиз чақиримда от алмаштириб, ҳаш-паш дегунча шаҳрига етиб олибди.

Қизнинг ишини эшитиб шоҳ ташвишга тушибди.

— Барибир Санжардан қутулмаймиз. У яна тўсади дарёни,— дебди.

— Хафа бўлманг,— отасини юпатибди қиз,— Санжар тўғон-



Туямўйин канали. Бош тўғон ёнида.



Землесослар канал тозаламоқда.

ни тўсишига анча вақт бор. Унча биз у боқинчини юртимиздан ҳайдаб чиқарамиз!

Ростдан ҳам кўп ўтмай Хоразм Султон Санжар зулмидан овоз бўлибди...

Шундан бери бу ерларни Питнак дейишаркан...

Бир замонлар тўсилган Аму меҳнаткаш учун кулфат эди. Энди эса — роҳат. Бу роҳатнинг умри боқий.

## ИЧАН ҚАЛЪА ЭРТАК СЎЙЛАДИ

Хоразмга борадиган ўн кишининг саккизтаси Хивани кўргани боради, десак, муболага бўлмас. Чет эл сайёҳлари ҳам Урганча келиб тушмасданоқ фотоаппаратларини созлайдилару. Хивани сўрайдилару. Бу табиий, албатта. Чунки Хива обидалари республикамиздаги уч мўъжизанинг (Самарқанд, Бухородан кейин) бири.

Хивани бундан минг йилча илгари араб тарихчиларидан Истихрий билан Мақдисий ҳам тилга олади. Археологларимиз эса бу шаҳарнинг ёшени 2 минг йилга олиб бориб тақашади.

Шаҳар машҳур Инак йўли устида жойлашгани учун, у тез тараққий этди. 1804 йили Қўнғирод сулоласи тахтни эгаллади-ю, Хива яна ҳам чирой оча бошлади. Ичан қалъани жаҳонга танитган арклар, миноралар, мадрасалар, тимлар ана шу сулола вакиллари Муҳаммад Раҳимхон, Оллоқулихон, Муҳаммад Аминхон ва ниҳоят, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) даврида бунёд этилган.

Хусусан, Ферузнинг кўп хизмати сингган Хоразмга. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда «Феруз лирик шоир, музикашунос, композитор, яхши таржимон, Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан, 1873 йилда босмахона соғиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостириган одам».

Хивага етиб келди-ю, эски танишимиз, тарих-революция музейининг директори Собир Юсуповнинг ҳузурига кирдик. У билан дарров Ичан қалъа сайрига жўнадик.

Ичан қалъа... Қуббадор масжидлар, кунгирали мадрасалар, нозик нақшу нигорли мақбаралар, кўна арз айтмоқчидай фалакка санчилган миноралар... Бирдан туйғуларинг чалқашиб кетади, қайси бир иморатга боқишни билмай, ҳарён аланг-жаланг қиласан. Мадраса-ю миноралар эса, ортиқча сўзни хушламайдиган донишманд қариядай, сукут сақлайди...

— Аввал Пахлавон Маҳмудни зиёрат қиламизда-а? — деди Собир ака.

Биқилларига тирак қўйилган мадрасалар, тахта билан тўсилган (қайта тиклашайпти шекилли) кўчалардан ўтиб Оллоқулихон замонасининг энг муҳташам мақбараларидан бирига кириб бордик. Кираверишга чиройли қилиб форс, ўзбек, рус тилларида Хоразм Хайёмининг рубойлари битилган. Ҳовлида динни танқид қилувчи плакатлар. Чапла хонлар авлодига мансуб хилхона. Тўғри зиёратхонага қараб юрдик. Зиёратхона пештоқлари рангли кошниллар ва Пахлавон Маҳмуд рубойлари билан беазитилган. Нариги хонада — мақбара. Хира чироқ милтирайди. Уртада савлатли, ҳашамдор сағана. Ўта нафис, бир-бирига уйғун, камалак нухса бўёқлар. Бундай мақбара Ўрта Осиёда ягона бўлса керак. Ҳарқалай, на Амир Темурнинг, на Сомонийнинг, на Баҳовиддин-у. Аҳмад Йессавийнинг қабр тоши бунчалик муҳташам эмас.

— Бир вақтлар раҳматлик Гафур ака келувди, — аста гап очди Собир ака, — узоқ тикилди қабрга. Кейин:

— Шоирнинг қабри мана бунақа бўлади! — деди кўзига ёш олиб. Мен ҳам секин гап қўшдим.

— Шоир ҳам шунақа бўлади-да, Гафур ака...

Гафур ака ялт этиб юзига қаради, лекин индамади. Албатта Гафур Ғулום буюк шоир, унинг уяладиган ери йўқ...

Ташқарига чиқдик. Собир ака тирсатимдан олди:

— Бир рубой ўқиб берайми?  
— Майли.

У арузни ўрнига қўйиб қирсот қила кетди:

**Кел, кўнгил мен актарай жононани,  
Кўча кўю ҳар эшик, ҳар хонани,  
Масту майхўрмиз мудом Хайёмсифат,  
Дўзах этгаймиш қабул мастонани!**

Энди мана бу ҳангомага қулоқ солинг.

Бир кун шу ерга Шовотдан бир мўйсафид келди. Тўғри ўтиб кетди. Мен ҳам эргашдим. Қарасам, қабр ёнида чопонини ёйиб номоз ўқимоқчи бўлаяпти.

— Кечирасиз, отахон, қибла ортингизда қолди, — дедим. У «Э-э!» деб дарров чопонини ўтириб олди. Яна чўккалай бошлади.


— Ота, авлиёга терс ўтирганингиз қандоқ бўларкин? — дедим яна. Чол менга кўмайиб қаради-ю, жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Мен нима демоқчиман? Демоқчиманки, мақбарани солган усталар, қасддан номоз ўқилмайдиган қилиб солмаганмикин? Ахир Пахлавон Маҳмуддек исёнкор шоирни минг йилдан бери «зўр авлиё» деб келишардида...

Дарвозадан чиқиб, ортимга ўтирилдим. Сиркор гўмбаз ичра, неча ботмон мрамар тош тагида ётган баҳодир, Маҳмуд ҳамон ғўнғиллаб шеър айтаётгандек туюлди назаримда:

**Ким қилур бу вайрон дилим  
иморат?**

**Ким гуноҳим учун берур кафолат?  
Мен зиёрат қилдим кўп қабристонни,  
Билмадим, ким қилур қабрим зиёрат?!.**

... Яна биламд, кўл ранг деворлар оралаб бораётимиз. Ана, XIX аср меъморчилигининг сервиюр ёдномаси — тошҳовли; қиз бармоғидек нозик, сарвақд устулар, гулпарчин айвонлар... Ана, Шерғозихон мадрасаси — ҳар гишти бир қўлнинг охи билан қўйилган ислом кошонаси.



Юмуртов тош майдалаш ва саралаш заводи.

Хива гўзали — Исломхўжа минораси пойндамиз.

— Исломхўжа мадрасасини меҳмонхона қилмоқчимиз, — дейди Ичан қалъа завоёвдиганининг директори Қадам Раҳматуллаев, — чет эллик туристлар шу ерда ётиб шаҳримиз билан танишадиган бўладилар.

Ўзининг асли қиёфаси ва отини топа олмай қолган Қалта минор. Муҳаммад Аминхон бу минорани Бухоро хонига ўқатишиб солдираётган эди, унинг тепасидан Бухорога қарата азон айттирмоқчи эди...

Ўз замонасининг кўркем иншоотларидан саналмиш Анушахон ҳаммоми ёнидан ўтатириб, шоир Ҳоziқнинг ҳозиржавоблиги эсимга тушди.

Бир кун Анушахон шоирни ҳаммомга таклиф этибди. Хон ўзи қўрдирган янги ҳаммомни кўрсатиб, Ҳоziқни мақтанмоқчи экан.

Ҳаммомдан чиқиб, хон сўрабди:

— Қалай?  
Ҳоziқ дарҳол жавоб берибди:

— Бу ерга киришдан олдин бир шам, бир қалиш, бир пўстин, бир қуръон даркор бўлар экан.

— Шам, қалиш, пўстин тушунарли, — дебди хон, — қоронги сирпанчиқ, совуқ демоқчисан. Қуръон нимага лозим?

— Иккинчи марта шу ерга келмайман, деб қасам ичиш учун, ҳазратим! — дебди шоир...

Ичан қалъада юрверсанг, афсоналарнинг, ҳиқоятларнинг туби кўринмайдиганга ўхшарди. Биз жадаллаб Шаҳристондан Работга, бугунги хиваликлар ҳузурига чиқиб кетдик.

## ХОРАЗМНИНГ БИРИНЧИ ТОРИ

Урганча сўлим бир кўча бор. Бу кўча шаҳардаги бошқа салқин, хушрўй кўчалардан фарқ қилмайди. Бироқ бу ерда, бежирим ҳовлида мўътабар бир зот истиқомат қилади. У — Мадрохим ота Шерозий, Отани бутун Ўзбекистон танийди, Хоразм эли уни жонли қомус, улуг санъаткор деб атайди. Ҳақиқий санъат арбоби, зукко, донишманд, дилкаш бу мўйсафид суҳбатидан баҳра олиш — ҳар бир санъат шайдосининг орузи.

Мен отани ҳеч кўрмагандим. Фақат таърифини эшитиб юрардим. Ўзимча уни буйдор, мағрур бир қиёфада, сур телпак эл чўғирмада тасаввур қилардим. Мана, юзма-юз ўтирибмиз. Ота паст бўйли, тўла, эғнида йўл-йўл уйлик ҳалат, кент айвон тўрида, кўрпада чордона қуриб ўтирибди. Қарлик нишонасими, билинар-билимас ҳансарайи. Ахир, оз эмас — кўп эмас, бу йил саксонга кирди Шерозий! Лекин, барбир, кўзлари тийрак боқадилар, хотираси бутун.

— Бир-икки йил бўлди, сал тобим қочди, — дейди ота, — бўлмаса яқингача телевизорга чиқиб турардим.

Уни уринтириб қўймаслик учун биттагина саволимизга жавоб беришини сўрадик.

— Тор тарихининг? Биланм. Хоразмда биринчи торни ўзим чалганман.





Янгиариқ районидagi Охунбобоев номли колхоз, Улуг Ватан урушида ҳалон бўлган колхозчилар шарафига ўрнатилган ёдгорлик.



Область ижроия комитетининг маъмурий биноси.



Бу шўх «йигитча» хивалиқ ўқувчи Обор Латипов бўлади.


Хива манзараси.

# БУГУНГИ ХОРАЗМ

Урганчдаги маданият уйи.



Жуда ширин экан!





Хоразм — созандалар,  
Маъношлар, меъморлар,  
мисгарлар, кулолчилар  
ўлкаси. Мен жуда кўп  
халқ усталари билан уч-  
рашдим, уларнинг санъ-  
атига маҳлиё бўлдим.  
Шулардан баъзиларини  
диққатингизга ҳавола  
қилмоқчиман.

Тепада — кенса мисгар  
Қаландар ота Худойбер-  
ганов Чапда — Тошҳов-  
ли (Хива)даги устун наъ-  
ши. Унгда — хонқалии  
кулол Райимберди Мат-  
чонов ишлаган лаганлар.  
С. БЕЗНОСОВ.



# Қушлар мунд Зараси

Хоразмин,  
ўрганилмаган  
машхур. Яқин  
маълум бўлди  
академиясини  
туттида, икки  
арбоби Порсо  
Аллегорин  
гуруҳларнинг  
шиш, жаҳолат  
нинг тили со  
Қуйда ун

## НИШОТИИ

Дўстлар, табъим имтиҳон қилайин,  
Қушларнинг баҳсини баён қилайин.  
Қиш чиқиб, ҳут этти чун таҳвил,  
Бўлди Лаклак тамои қўшга далил.  
Қаъъ этиб йўлни шаҳри Кеш келди,  
Севиниб халқ деди: «Хуш келди!»  
Дидбон бўлибон минора чиқиб,  
Ўз боши узра шодёна қоқиб,  
Деди: «Ийнак етишти фасли баҳор.  
Муътадилдир ҳавоний лайлу наҳор».  
Чунки Лаклак бу навъ қилди нидо,  
Тушти юз гуфтигўй қушлар аро.  
Ул кун эрдим фақир гулшанда,  
Кўзларим эрди сарву савсанда.  
Бир йиғоч тубида туруб эрдим,  
Гушан олиб, ўлтуруб эрдим.  
Баҳс этар эрдилар Акка ва Зог.  
Зог дедик: «Сен киму бу боғ!  
Ман чекарман маломатин боғнинг,  
Боғ ичинда тамоми мева санинг,  
Доғули беҳаёйи лўлисан,  
Туту зардолунинг чуғулисан».  
Акка дедик: «Эй қаро юзлик,  
Шўр тумшўқлиқу ачиқ сўзлик.  
Сандайин Зогдин фароғатман,  
Боғ бошига аҳли хидматман.  
Бир макондин бу боғ мулкига  
Киргали йўл йўқ шағол, тулкига.  
Сен киму бу боғ ичинда сайр этмак?  
Бор бузўқлиқни сақла чун чуғзақ».  
Қумри келди булар қошига равон,  
Қолди бу иккисига ул хайрон,  
Деди: «— Нечун урушасиз, қуллар?  
Қушлар ичра баҳоси бир нуллар!  
Сонмангиз ўзингизни одам сиз,  
Барча қушлар аросида камсиз.  
Тангри солди азалда ўз шавқин,  
Хамчу бўйиниға бандалик тавқин.  
Сўфидек бўйнума ридо солдим,  
Боғи масжид ичинда жой олдим.  
Боғу бўстон ичинда бир хушхон,  
Бўлмағай ман каби фасих забон».  
Булбул ул дамда қон ютуб гулсиз,  
Зог йиғлаб, бўллуб таҳаммулсиз,  
Деди: «— Кўп лоф урма беҳуда,  
Айта кўрма димоғнинг олуда.  
Ман боринда санга не сон бўлғай,  
Ушбу иш барчага аён бўлғай,  
Субҳидамларки бошласам нола,  
Солурам шавқ аҳлини бир ҳола».  
Булбул эрди бу сўздаким огоҳ,  
Бўлди Тўти бу қиссадин огоҳ.  
«Бўлма мағрур гулга, эй булбул,  
Бўстон ичра неча кувдур гул.  
Лолаву гулда бўлмағай бунёд,  
Берур они хазон ели барбод.  
Муттасил Ҳинддир манга манзил,  
Хизарек кийганим эрур яшил.  
Ичганимдир мудом оби ҳаёт,  
Еганимдир мудом қанду набот.  
Эл ичнда ғизом шаҳду шакар.  
Қайси бир қушда бор мунча ҳунар?!»  
Эрди бу сўзда Тўтию Булбул,

Ки етишти ароға Қирғов.  
Деди: «— Эй тўти, худди  
Акадек шўху беҳаё бўлди,  
Одам эрсанг, ўзинга бер  
Еганим қандидир деб урма.  
Юзининг қизилин кўрур,  
Балки ёзди муни яди қўр.  
Қани бир қушки, бўлғай,  
Ўрсоқ онинг била неча  
Тушгач ўртага зўру неча  
Қаҳ-қаҳ уруб етишти Кав.  
Кўзлари қиш-қизил эрди,  
Тоғ ичидин етишти қаф.  
Деди қирғовулакким: —  
Барчага мокиён уриши  
Куч била ўз-ўзингни ўлту  
Гўшае олу эмди лоф урма.  
Кўхи ҳомуди айларам к  
Лаъл қонига онда топди  
Еганимдур ҳамиша донам  
Тумшўқимда эрур нишо.  
Қарчиғой аччиғи била ту  
Барча қушдин юқори ў  
Деди: — «Эй қушлар, ўл  
Урмағайман барингизни бе  
Гаҳ тоғ устида қилиб ж  
Гаҳ кўтариб қўлиға ҳазор  
Солғочин ул яғонаи офон  
Олурам ўрдак ила қаш  
Қарчиғой сўзни мухтасар  
Андин қушлар бари ҳазар  
Қилди Товус ила жилва  
Кўрсатиб ноз ила ҳазор  
Чатр қилди бошиға кў  
Кўрунгиз эмди тангри  
Чатрининг остида туруб  
Бўлди ўз хуснига баса  
Деди: — «Ман-ман барин  
Манзилимдир диёри Ҳин  
Кўрмак учун паримни са  
Шаҳрдин шаҳрларга эл  
Эрди ўрним беҳишти же  
Озғуриб солди дунёга  
Қилмай эрди бу сўзни Т  
Ки етишти бу ҳолат ич  
Анда қушлар бариси кў  
Келибон аёқини ўпдилар  
Қўпмади ўрниндин магар,  
Анда қилди Ҳумо баса  
Деди: — «Эй бедаб, не  
Яхшидир яхшиларға хўй  
Сурадинг хўбу сийратин  
Ўзинга боқмаву аёқинга  
Анда иблиса раҳнамун  
Ул сабабдирки сарнигу  
Бор санда ҳануз истиғи  
Тангри амрин кетурма  
Хар кишининг бошиға м  
Солғачин ул топар улу  
Оти халқ ичра полшоҳ  
Подшохи жаҳонпаноҳ б  
Бўлди Товуски онда ша  
Деди: — «Сенсен амиру



1928 йилнинг кўклами...

Болаларнинг шодон қийқириқлари, қалдирғочларнинг шўх, эркин парвози, қаердандир пайдо бўлган булбулнинг дилни қитқловчи эрка навоси — ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб Богот баҳорига тенгсиз оройиш, нафосат бағишлайди.

Қишлоқда биринчи колхоз ташкил топди. Биринчи колхоз баҳори дадил қадам ташлади. Уша вақтларда Искандар тоғасиникида тарбияланарди.

— Ваҳор яхши келди, ишқилиб, бахтимизни бошлаб келган бўлсин. Колхоз пойи-қадами ёқсин-да...

— Иншоолло, ёқади, — деди Машариф ишонч билан. — Ул-масак, кўрамиз.

— Энди бошлангипти-ю баҳоримиз... Қўйсангиз-чи, ўлимдан гапирманг! Яна йигирма-ўттиз баҳорни кўрамиз намида.

Сигирларини эндигина отиздан ҳайдаб келган ўн икки яшар Искандар тоғаларининг гапига қулоқ солди. «Колхоз» сўзини биринчи марта ўша ерда эшитди.

— Зўрга колхоз тузиб олдик, охири бахайр бўлсин-да, — деди Бекжон андак хаёл суриб. — Иш юришмаса борми, кирмаганлар роса масхара қилишади-да...

\* \* \*

Биринчи колхозни «Бойларга ўлим» деб аташди. Колхозда ишламоқчи бўлганлар сафи кун сайин оша берди. 1930 йилда Боготдаги уч артель қўшилиб «Наримонов» номини олди. Шу йилнинг кузида деярли ҳамма колхозга аъзо бўлиб кирди. Улар сафига чорикор Дўст аканинг ўгли ўн тўрт ёшли Искандар ҳам бор эди.

... Ёв ёвлигини қилиб келаётган, ўнлаб шаҳарлар, юзлаб қишлоқлар, юз минглаб ватандошлар хонавайрон этилаётган даҳшатли кунлар... Искандар ҳам минглаб кўнгилдиллар қатори 1942 йилнинг июнида фронтга отланди.

Воронеж, Саратов, Калач, Сталинград...

Фронтнинг ана шу энг қийин, энг даҳшатли участкалари бўйлаб ўтди, гитлерчи газандаларни тўхтовсиз қувиб Азов денгизи соҳилларигача борди. Ана шу йўналишда — Свердловск район маркази остоналари — Новошахтинск яқинида, 1943 йилнинг 21 июль кунин Искандар қаттиқ яраланди. Кўнрақ қафасини ёриб кириб, ўпкада қолган икки осколка Искандарни саккиз ой Доғистоннинг Дарбанд госпиталида тўшакка мяхлаб қўйди. Сунг қайта фронтга қўйишмади, 1944 йилнинг мартда янгилик қишлоққа қайтиб келди. Олдин қишлоқ Советига, кўп ўтмай қадрдон колхозига раис қилиб сайлашди уни...

«Ўпкамда осколка бор деб ўтираманми?» — дерди у ўзига-ўзи қатъий. Гоҳ от миниб, гоҳ пиёда тинмай дала кезар, тиниб-тинчимас, колхоз учун, колхоз аҳли учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр эди. Қийин дамлар бўлишига қарамай давлат барча хўжаликлар қатори Наримонов номли колхозга ҳам ҳар томонлама ёрдам берди. 1950 йили наримоновчилар рекорд хирмон кўтаришди — ҳосилдорлик бир йилда саккиз центнердан 27 центнерга етди. Икки йил ўтгач, 32 центнерлик доvon эгалланди.

Йиллар... йиллар...

Меҳрибон, мунис онадай сахий, сербарака, серзафар йиллар наримоновчиларга одатдагидай иқбол гулдастасиyo доврўт-шон туҳфа этишини канда қилмайди. 1960 йилга келиб колхозга қўшни «Москва», «Қизилровот», «Ленин йўли» ва бошқа бир неча хўжаликлар қўшилди. Бугун бу колхозда биргина «оқ олтин» этиштириладиган майдонларнинг ўзи икки минг гектардан ортиқ.

\* \* \*

Маслаҳатли тўй тарқамайди. Искандар хўжаликни юксалтиришнинг янги режа-тадбирини ўйлаб қўйган бўлса, уни дарров правление йиғилишида муҳокамага ташлар, кенгашмай-маслаҳатлашмай иш юритмас эди.

Раис кишилар билан муомалада ҳам ширинсўз, танти. Бирини ака, бирини опа, бирини сингил, бирини ука деб яхши сўзини ҳеч кимдан даринг тутмайди. Ҳаммасидан ҳам, колхозчининг меҳнатини қадрлайди. Искандар. Меҳнат ҳақи ўз вақтида берилди, буромаддан даромад йил сайин ортиб, колхозчи йил сайин фаровонроқ ҳаёт кечирмоқда.

Бугун бу хўжаликнинг доврўги тилларда дoston. Ажойиб бир воқеани сира-сира унутмайман...


Воҳа бағридаги қишлоқ йўллари байрамдагидек безатилган. Юзларида шодлик, ял-ял яшнаган кишилар, Богот сари йўл олган автомашиналар, автобуслар, енгил машиналарга тўлиб кетган эди бу йўллар.

Воқеадан беҳабарлар ийманибгина сўраб қолишади:

— Ясан-тусанлар бошқача, йўл бўлсин?

— Наримонов колхозига, сайилга!

# БАҲОРИНГ МУБОРАК, БОҒОТ!



Нариманов номли колхоз хибони.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси.

— Қанақа сайил?  
— Колхозни орден билан мукофотлашган экан, митинг бўлармиш...

— Сизга йўл бўлсин, оғайни?  
— Наримоновчилар хузурига — футбол томоша қилгани.  
— Хабарингиз йўқми ҳали? — Изоҳ бериб тушунтирарди бошқа бир йўловчи, — ўн минг кишилик стадион, Тахнатощ ГРЭСидан нур олувчи катта подстанция, 18 километрик водопровод тармоқлари ишга тушириларкан бутун ўша колхозда.  
— Демак, тўйга экан-да!

Ўша куни Боғот қишлоғи воҳанинг ҳамма жойларидан тўп-ланган аламон тўлкинидан денгиз каби чайқалди. Колхоз сайил-гоҳлари меҳмонларга лиқ тўлди. Митинг очиқ деб эълон қилиниб, СССР Олий Совети депутати, область партия комитетининг биринчи секретари Бектош Раҳимов колхозни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг фармониёи ўқиб эшиттирди. Гулдурос қарсақлар қишлоқ осмонини ларзага келтирди.

Октябрнинг 50 йиллик тўйи арафасида яна бутун воҳа Боғотга йиғилди. Яна бир орден колхоз байроғига тантанали қадаб кўйилди.

1968 йилнинг ўзида колхоз она-диёрига 8500 тонна дурдона тухфа қилди, — икки минг гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 43 центнердан хирмон кўтарди! Ҳосилнинг 4100 тоннаси «пўлат этак»лардан тўкилди. Ҳар бир наримоновчининг ойлик ўртача иш ҳақи қанчадан тўғри келди, дерсиз? 110 сўмдан!

... Колхоз техника паркда 60 дан ортиқ пахта териш, ўнлаб кўрак териш ва чувиш машиналари, 140 тача ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 20 та скрепер, бульдозер, гигант С-100 агрегатлари, ўнлаб юк машиналари саф тортиб турибди.

Шаҳарчани айтмайсизми! Тўрт ўринда марказлашган, барча

маданий-маиший коммунал қулайликларга эга бўлган обод, замонавий антиқа шаҳарча. Қишлоқнинг марказий ва ички йўллари асфальт ётқизилган. Ҳар қадамда муаттар гуллар, гулзорлар, сўлим йўлчалар, меваси тотли боғлар...

Эзги чойхона, ошхона, қатор медицина шохобчалари, савдо ўчоқлари, маданият саройи, икки қаватли дам олиш уйи, маданият университети, туғруқхона, кир ювиш комбинати, учта мактаб, болалар боғчаси, 160 тача уй-жой... Буларнинг ҳаммаси яқингинада бунёд этилиб, қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшди.

Боғотликлардан икки юздан ортиқ пахтакор ва чорвадор, пиллакор ва сабзавоткорлар, механизатор ва зиёли кўксига қўтлуғ нишонлар — Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси», жанговарлик орденлари, медаллар ярқирайди. Пахтакор Кенжа Хусанов, Зариф Қурбонов, Рўзибой Худойназаров, механизатор Нуржон Матниёзова, чорвадор Розия Матёқубова — яна ўнлаб нишондорлар қишлоқ фахри.

... Камтар, камсуқум дарга — СССР Олий Советига, икки-уч марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, хизмат кўрсатган пахтакор Исмаил ака Дўсовни ўйлайман. Кечаги оддий чоракор деҳқоннинг ўғли, тоғалари сўхбатидан «колхоз» сўзини илк бор эшитиб ҳаяжонланган соддағизча бола бутун ўша колхозда бахт топганидан, Боғот баҳорига унинг пешона тери кўрк-сайқал берганидан завқланаман, қалбим ифтихор ҳисларига тўлиб кетади. Элда азиз, республика бўйлаб довруғ таратган отахон раис шаънига қўшиқлар басталасам, дейман.

М. ЭРКИН.

Хоразм.



ОИБЕК.

АДИБНИНГ 65 ЙИЛЛИГИГА.

# ДЎСТНИНГ ҚАЛБИ



# Хоразм шоирлари

Бибисора ОТАЕВА.



## Қиш

Бераҳм, ўжар совуқ,  
Дарёда қалин қатлам.  
Бобомнинг соқолидай  
Дарахтлар оппоқ, кўркам.  
Ўралиб қор кўрпага  
Яшайди бутун қишлоқ.  
Мўриларда тутунлар  
Гоҳо, қора, гоҳо оқ.  
Севаман қишлоқ узра  
Тутуннинг шўх изини.  
Ҳидлабман тўйиб-тўйиб  
Қайнаган сут исини.

Эркин МАДРАҲИМОВ



## Ғазаллар

Доно ул эрурки, тили бўҳтонни гапирмас,  
Бошига қилич келса-да ёлғонни гапирмас.  
Фишқу фасоду гийбатчидан Ҳироқдир  
ул кўп,  
Душман олдида сендаги нуқсонни гапирмас.  
Дўст деб билмакўр шодлигингдин яйраса  
қувнаб,  
Чин дўсту рафиқ ҳар сўзида червонни  
гапирмас.  
Мансабга ружу айласа дўст, содиқ эмас,  
бл  
Бир кув дўқ урар, сен берганинг ноини  
гапирмас.  
Севги чаманин гўзаллиги вафо биландир,  
Ошиқ эса ким, бир неча жонини гапирмас.  
Оқилга эрур иззату, икрому мурувват,  
Ҳеч ерда билнинг фахр ила водонин  
гапирмас.  
Даврони била масрури шод Эркини ошиқ,  
Кўпдир рафиқи, заррача ёлғонни гапирмас.

Куймаган ким бор висол ҳижронда,  
Куйдирувчи бўлса рўх ёр қониди?  
Уртаниб васлига етмоқ яхшидир,  
Топмагайсан наф унинг осониди.  
Не сафо, гар чулғаса жисминг шарор,  
Нур каби қақнаб оташ мужгониди.  
Ишқ хисин ёрга чин севгим дема,  
Элмас эрсанг кўриб ағёр ёнида.  
Қилман ошиқ нолаевни нола ҳисоб,  
Угли фарёд бўлмаса афғониди.  
Эркини ҳижрон дами аъло билор,  
Еш ўтиб, қатто қариб қолгониди!

Бир куни газетамиз редакциясига Хоразмдан хат келди. Унда «Мен уруш йиллари галлаороллик Умар Қобилов билан бирга жанг қилганман. У доворак йигит эди. Душман билан шердек олишарди. Украинадаги Н. қишлоғи учун бўлган жангда дўстим ҳалок бўлди. Мана кўп йиллар ўтди. Умарнинг қиёфаси бугунгидек кўз ўнгимда. Афсуски, уруш сўқмоқларида унинг уй адресини йўқотиб қўйганман. Шунинг учун ҳам сизларга хат орқали мурожаат этаётирман. Яқинда она-Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган дўстимнинг қабрини излаб Белгород области Валуйский район, Барки қишлоғига бордим. Уни дўстлик мазорига қўйишган экан. Зиёрат қилиб, гул қўйдим. Қайтишда қабрнинг табаррук тупроғидан бир сиқим ола келдим. Ушбу номани эълон қилсаларингиз, қариндошлари ўқиб хабардор бўлишса. Хива шаҳри, 5-почта кўчаси, Жуманиёз Эгамов».

Хатин эълон қилдик. Мақтублар кела бошлади. Мана шулардан биттаси: «Ахир у менинг отам-ку! Тўғри, мен отамни эслай олмайман. У пайтда ёш эдим. Онам барҳаёт. Мен эса уйли-жойлиман. Уч фарзандим — икки ўғил, бир қизим бор. Ўзим Сарбозор қишлоғидаги 26-ўрта мактабда муаллимлик қиламан.

Биз сиздан умрбод миннатдоримиз: қуролдош дўстингизни унутмасиз. Отамни кўргансиз, отам билан бирга жанг қилгансиз, сизни кўрсам, отамни кўргандай бўлардим. Меҳмон бўлиб келсангиз.

Салом билан: Шодмоной Умарова». Бу хатни биз Хоразмга, Жуманиёз Эгамовга юбордик. Шодмоной бир куни редакцияга кириб келди. У ниҳоятда ҳаяжонланган, кўзлари қизарган эди.

— Келаяпти...— деди у узоқ айрилдиган кейин ўз отаси билан учрашадигандай бир қиёфада.

Станцияга бирга чиқдик. Хоразмлик жангчи минглаб кишилар ичида ажралиб турарди: Жуманиёз акани дарҳол танидик. У ҳам Шодмонойни, илгари ҳеч кўрмаган бўлса ҳам, тез таниди.

Жуманиёз Эгамов Ватани, халқи учун жангда жонини фидо қилган мард дўсти Умар Қобилов қабридан олган бир сиқим тупроқни унинг бола-чақаларига топширди.

Хоразмлик Жуманиёз ака сарбозорлик Умар ака билан Ватанимиз бошига мусабат тушган кунларда 83-Самарқанд отлик дивизиясида танишган. Елкама-елка жанг қилиб, Москва бўсағасидан то Украинагача немис-фашистларни қувиб боришди.

Жуманиёз ака Украина учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган дўсти учун интиқом олиб, душманин Руминия, Венгрия, Чехословакиядан қувиб чиқаришда қатнашди. Ҳозир унинг кўкрагини «Ким

зил Юлдуз» ордени, бешта жанговар медаль беэаб турибди.

Кунлардан бирида Жуманиёз ака фронт ҳужжатлари кўздан кечириб ўтирарди.

— Дада, манавини ҳам урушдан олиб келгансизми? — дея сўради ўғли Ўқтам, тўрт буклоглик титилиб кетган газетани кўрсатиб.

— Ҳа.

— Буни қаранг-а, чекнасида ёзув бор экан.

Жуманиёз ака қийналиб бўлса-да, ўқиди: «Харьков область, Зимнев районидаги Тароповка қишлоғи. Федор Коллонтай». Унинг фикри бирдан равшанлашди. Унутилган дўстининг адреси-ку! Ваногоҳ гаваҳар топгандек севинчи ичига сиғмади.

— Ким у, дада? — ўғли қизиқиб қолди.

Бу галати савол Жуманиёз акага Тароповка қишлоғи учун бўлган қонли курашни ёдига туширди.

Жангчилар оғир ва шиддатли курашдан кейин душманин қишлоқдан қувиб чиқардилар. Икки кундан бери улар ҳеч нарса ейишмаган эди. Жуманиёз Эгамов билан ҳамроҳлари бир ҳовлига кириб боришди. Уй эгаси бор-бурдини уларнинг олдига қўйди. Шунда Федор исмли бу меҳмон дўст мўйсафиднинг ўғилчаси отасининг қўлига ёпишиб:

— Дадажон, ўзимиз нимма еймиз? — деди.

Солдатларнинг чайнаб турган ноин томоқларидан ўтмай қолди.

Ана шунда Жуманиёз ака, ўзи бола-чақалари оқ бўла туриб, охириги насбаларини ҳам озодлик келтирган совет солдатларига тутган Федор Коллонтайнинг адресини газета чегига ёзиб қўйганди.

— Хат ёзайлик, — деди Ўқтам.

Ота-бола ўтириб хат ёзди. Тез кунда жавоб келди. Хат Федор Коллонтайнинг қизидан эди. «Жуманиёз Эгамов. Дадам сизга дуон салом йўллайди. Ҳозир бизда пишиқчилик, меҳмон бўлиб келингиз. Кутамиз. Галина».

Жуманиёз ака ўғли Ўқтам билан Украинага жўнади. 25 йилдан сўнг қўшинган биродарлар қайта дийдор кўришди. Тароповкада қатта тантана бўлди. Меҳмонларни одат бўйича тузнамак билан кутиб олишди. Ўқтам эса Федор амаки бошига ўзаб дўпписи кийгазиб, тўн ёпди; Галина опасига бир кийим атлас ҳада ётди. Шунда Жуманиёз Эгамов ўғли билан Ровно, Харьков, Зимиев шаҳарларини кезиб, қардошлар қабристонини зиёрат қилди, гулдасталар қўйди. Элдошлари руҳини шод этди.

Совет кишининг қалби ана шундай «Олов уйин, дўстлик қалбини исити» деб бекорга айтмаган халқимиз.

Абдухамид САРИБОВЕВ,  
Сайдумурод НОРБОВЕВ.

Ғаллаорол районига чиқадиган «Меҳнат байроғи» газетасининг ходимлари.

# МОВАРАУННАХР САЁХАТИ

Воҳир БЕГИЕВ

(1893)

Бухоро мерави! Девонае!  
Лойиқ занжир зиндонхонае!

Мавлоно Жалолиддин Руми ҳазратларининг шу инжу сўзларини хотирлаб, доимий истиқомат жойим Ростов-Дон шаҳридан 1893 йилнинг 11 июлида Бухорони кўриш, Моварауннахрни сайр этиш мақсади билан сафарга чиқдим. Бундан ўн-ўн беш йил аввал Урта Осиё йўллари сувсиз саҳро йўллари бўлиб, сафар гоят машаққатли бўлар эди; ҳозир эса узоқларгача темир йўллар тушиб, саёхат аҳлига роҳатижон бўлди.

Ростов-Дон дарёсида пароходга тушиб, Қалач бекатигача келдим. Ёлғиз эдим. Хайрлашувлардан кейин йўловчиларнинг дили ҳамон хира, пароходимизда жимлик чўккан, фақат паррақларгина шивирлаб: «биз ҳаракатдамиз, биродарлар, шоят ҳаммангизни манзилларингизга соғ-саломат олиб борсак» дегандай, сайёҳларга тасалли берар эди.

Юқори палубага чиқиб, табиат манзараларини томоша қилдим. Гоҳо теран ҳаёлга ботиб, саёхатим манзили Моварауннахрнинг тарихини ўйлаб кетаман. Моварауннахр ислом дунёсида сиёсий жиҳатдан ҳам, маданият соҳасида ҳам юксак мавқе эгаллаб келган. Хусусан, неча юз йиллар давомида Моварауннахрдан турли дунёвий ва диний илмлар ўрганиб келган Россия мусулмонлари учун унинг аҳамияти катта. Ҳозирги кунда бизнинг илмий даражамиз шу Моварауннахрдан олган илм ва маърифатнинг меvasидир.

Бориб кўрай-чи. У ёқлардаги қардошларимизнинг ҳозирги аҳволларини бурунги воқеликка солиштириб, ибрат олай.

Тарих китобларидан Моварауннахр ҳақида анча-мунча ўқиган эдим. Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғидаги давлатларни қадимий юнон географлари «Транс Оксания», мусулмонлар эса «Моварауннахр» деб атаганлар.

1220 йили Чингизхон Бухорони тамоm ёндириб юборди, катта обод шаҳар босқинчилар оёғи остида ер билан яксон бўлди, халқ қирилди, кул қилинди. Сўнгра Чингизнинг юз минг аскарни Самарқандни босиб, вайронага айлантирди. Хосилдор ерлар, боғлар пайхон,

утган асрнинг охирида яшаб инод этган татар ёзувчиси Муҳаммад Зоҳир Бегиев «Гуноҳи набир», «Минглар, ёни гўзал Хадича» наби романларининг авторидир. У 1893 йилнинг ёзида Урта Осиё халқларининг турмуши ва маданияти билан танишиш мақсадида Туркистонга — Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхат қилади. Шу таассуротлар асосида ёзган «Моварауннахр саёхати» деган сафарномаси 1908 йили «Ал-Ислох» газетасида босилган эди.

Сафарнома автори кўрган воқеаларига синфий тус беролмайди, унинг кузатишларида баъзи ноаниқликлар ҳам бор, у фақат маърифатчи адиб эди. Шунга қарамай, «Моварауннахр саёхати» шаҳарларимизни ўтган асрда кўрган ҳолис бир кимсанинг бевосита таассуротлари сифатида журналхонларимизни қизиқтирса керак. Авторнинг кузатишлари ҳақиқий, у хонлик ва эски таълим-тартибларига танқидий қарайди, қадимий архитектура ёдгорликларига, ўтмишдаги олимларимизга юксак баҳо беради.

Асарни қисқартириб босдим.



Д. СИНЦКИЯ расми.

ҳунарманд ва деҳқон аҳоли хонавайрон қилинди. Ўз вақтида илм ва маърифат маркази бўлган Бухоро ва Самарқандни энди қайта тиклаб бўлмайди-гандек эди.

Инки юз йилча давом этган Чингизхон авлоди ҳукмронлиги даврида Моварауннахр тинимсиз уруш ва низолар ўчоғи бўлди. На идора усули, на одил қонун бор эди. Натижада бу ярим ёввойи ҳукмронлик инқирозга юз тутди.

Темуруланг Чингиздан сўнг энг кучли жаҳонгирлардан эди. У ўз давлатининг пойтахти Самарқандни тиклади. Самарқанд яна илм-маърифат марказига айлана бошлади. Мадрасалар, кутубхоналар, ҳашаматли саройлар бунёд этилди.

Темурийлар орасида ҳам 1500 йилгача ўзаро жанглар давом этиб, сўнгра давлат пароканда бўлиб кетди. Иккинчи хонликлар даврида Моварауннахрга кўз олайтирадиганлар кўпайди. Европа давлатлари бу бой ерларни ютиб юборишга ҳозир эдилар...

Хусусан Англия бу ўлгани Россия қўлига бермаслик учун кўп уринди, лекин натижа чиқмади. Ниҳоят, худонинг амри билан, дунё сиёсатида катта ўрни тутган Урта Осиё Россия давлатига машаққатсизгина қўшилиб кетди...

Мен мана шуларни ўйлаб, атрофдаги манзаралардан кўз узмай бормоқдаман. Пароход юришда давом этиб, Қалач бекатига қилинлашиб қолди.

Дон дарёсидаги сафаримиз тугаб, мен Қалачда андак дам олдим.

Волгани Дон ва Азов орқали Қора денгизга қўшиб режаси кўпдан бор; XVI асрда Султон Салим ҳарбий кемаларини Каспийга кўчириб, Волга соҳилидаги Астраханга ва Каспий соҳилидаги туркман ерларига бостириб киришни ниёт қилган ва шу вақтда Волгани Донга кўчириш ҳақида ҳаёл сурган эди. Бу хом ҳаёл амалга олмади, албатта.

Буюк Петр ҳазратлари Азовни ўзига қарам қилгач, Султон Салимнинг Волгани Донга улаш ҳақидаги режасини амалга ошироқчи бўлди, ишни бошлаб ҳам юборди, аммо 1701 йили шведлар ҳужуми бошлаб, иш тўхтаб қолди.

Кейин буюк Петр Волгани

Донга Ивановск кўли ва Шат дарёси орқали туташтирмақчи ҳам бўлди. Лекин 1707 йили Прут шартномасига мувофиқ Азов Туркияга ўтиб кетиб, бу режа ҳам амалга ошмай қолди.

Бу уринишлар натижа бермагандан кейин, 1862 йили Дон билан Волгани темир йўл орқали туташтирдилар.

Шу йўлда поездга ўтириб, 14 июль кунини эсон-омон Царицинга етдим. Шаҳарда кўрадиган нарса йўқ эди, извош олиб, Волга соҳилига жўнадим.

У ердан пароходга ўтириб, Астраханга йўл олдим. Бу пароход русларнинг машҳур шоири Лермонтов жанобларининг ҳурматига «Михаил Лермонтов» деб аталар экан. Биринчи классда жойлар шинам жиҳозланган эди. Соат тўққизларда нонуштага ўтирдим. Енимда ўтирган рус киши:

— Хўп десангиз, чойни бир-галлашиб ичсак,— деди.

Рози бўлдим. У анчага борган, тахминан етмишларга кирган, юзида кексалик нуқси бўлса-да, анча савлатли одам эди. Дастурхон устида яхши танишиб, анча суҳбат қилдик.

— Касбқорингиз нима, қаёқлардан келаяпсиз?

— Ростов-Донданман, Моварауннахрни кўриб қайтиш нияти билан йўлга чиққан эдим,— дедим.

— Ундай бўлса, афандим, мен сизга бир рисола ҳадя қилай, сайёҳларга жуда қўл келадиган нарса,— деб Татаринов деган зотнинг «Бухорода етти ойлик асорат» деган саёҳатномасини менга тақдим қилди.

Жуда хурсанд бўлиб, суҳбатдошимнинг қўлларини қисдим.

Туркманистон ерларига етиб келдик. Қўп тарихий дарбадарликлардан кейин ҳам ўз она ерда муқим қола олган туркманлар кенг саҳроларда чорвачилик билан шугулланишади. Уларнинг сони тахминан олти юз минг атрофида экан.

Ҳаёт шароити тақозоси билан туркманларнинг ёшу қариси чавандоз, довурак ва абжир бўлиб, қурол ишлатишга ўбдан уста, ҳаққўй одамлардир. Қийимлари Бухоро чопонига ўхшашроқ чакмон, бошларига қишин-ёзин қўй терисидан катта чўғирма киядилар.

Туркман хотинлари, баъзи мусулмон халқларидагидай чинмаг ёпинмай, очиқ юрадилар, эркаклар орасида бемалол ўтирадилар. Улар тўқиган нафис гиламлар Туркистондагина эмас, Эронда, Россияда ва ҳатто бутун Европада машҳур. Европа фабрикалари тўқий олмаган бу нозик ҳунар туркман чеварларининг асосий касбидир. Европада ҳам катта муаммо ҳисобланган хотин-қиз масаласи бу ерда оддийгина ҳал этилибди: бари очиқ, бари эрлар билан баробар меҳнатда, жамоатчиликда кенгашларга қатнашадилар.

Аммо хотин-қизни қалин баробарига олиш бу ерда ҳам бор, оилавий масалада бу ерда ҳам улар эрксиз; беваларни қариндошлари зўрлаб эрга берадилар. Шариат бу ерда ҳам хотин-қизга шафқатсиз. Қизларни воляга етмасдан эрга бериш, келинларга чўри деб қараш бу ерда ҳам бор. Шунинг учун аёллар гўзал бўлсалар ҳам,

жиҳмонни кўринади.

Мен йўлдан лат вакил яхудий, қалпоқ, татар, ту

иккита х... Кечаги кўм денг, ба, нақад бор: атроф на бир киши жон ағаси йесин.

Темир қандай бу марказлар роқда бу кўриш кўра керак.

Ҳозир т... анча жон да атрофи

Темир й... ла бошлади. Амударёга қандаг ети

Поездин... Уч Ҳожин Чоржўйда

Фароб... турний о...

лари кўп, ҳар бир ф...

бор. Ҳазир га, ҳатто

муаллим ҳ... ропада ҳам даний ма...

тиллер ў... да Шом...

кий халқла билан фах...

Янги тушдим. Б...

кишлор бў... келгандан...

шаҳар бар... Бухородан...

Бу ерда б... нинг катта доғарларни

Темир йў... бошлиқлар даги элчи...

ришади. Х... деган жан...

рихнини ан... зот эмиш...

ва ички билан ба...

экан. Бухоро...

ораси бог... зуккина те...

тунга ўти... хорога ж...

япасқи х... ган катта...

менга гала... дарвозаси...

тўқизлар... либ қолиб...

дарвозала... ман қили...

бу қоида... мен Росси...

учун, дар... ронги, то...

«Нўғай са... Кўчалар...

экан, зару... сим билан...

қўлида ў... юрар экан...

ўхшаш кў... кўрдим.

«Нўғай... олдим. У...

ри эшити... нинг шақи...

Янги таас... биринчи к...

ранжом бў...



Инсоннинг олий, қайноқ туйғулари, кечинмалари доимо ўзига шакл излайди, ифода воситасини қидиради. Туйғулари билан ифода шакллари ўртасида меъёр, нисбат бор. Катта туйғулар марварид донасидай кичик, ихчам шаклларда мужассам бўла олади. Она табиат ўз улугворлигини заррача қатрага жо қила олади ва мўъжизани у инсон қалбига ҳам тортиқ қилган.

Ҳазил инсон қалби жўшқинлигини ўзига сиғдирилган қадим ва доимо ёш адабий шакллардан биридир. Унинг ўтмиши узоқ, бугуни ва эртаси ҳам умидли. Ваъзи адабиётчилар ҳазилни эски даврнинг катта ҳақиқатларини, замон талабларини акс эттиришга ожиз бир шеърини тур деб биладилар. Ҳазил эса амалда янги-янги шеърини усулларни ўзига қўшиб, бойиб бормоқда, ҳозирги замон шеъринининг гўзал ва замонавий шакллари билан ёнма-ён, баробар куч билан жарангламоқда.

Эркин Воҳидовнинг «Ешлик девони» ҳазилга муҳаббатдан тугилган китобдир. Шоир ҳазилларида муҳаббатга берилган, олам китобини ўз оташин муҳаббати орқали ўқийдиган бир қаҳрамонни гавдалантиради. Бу қаҳрамон ёрга ва дёнрга гўзаллик кўзи билан боқади, уни ўзининг оташин хисларига буркайди. У ёрнинг висолига етиш учун ҳар қандай синоқларга дош беришга, уқубатларни енгиб ўтишга тайёр, садоқатда устивор, покизалиқда ягона бўлишга интилади. Бу ошиқ йигит ўз фазилатлари билан ўзбек классик ҳазилининг қаҳрамонларига қариндош, уларнинг издошидир. Бу тарихий ва ҳиссий қондошлиқдир. «Дилдорга нома ёздим» ҳазилининг лирик қаҳрамони ёр кўйида ўртанган, уни соғиниб нома йўллаган ва номасида энг олижаноб фазилатларини барала намойиш қилган, юксак хайлларга мафтун инсон бўлиб гавдаланади. У



Владимир Ильич яшаган ва ишлаган ерларни зиёрат қилиш яхши анъанага айланиб қолди. Москва, Ленинград, Ульяновск, Қозон каби қадимий шаҳарларга борган киши албатта доҳиймиз ҳаёти билан боғлиқ бўлган ерларни зиёрат қилади.

М. ТУЙЧИЕВ фотоси.

# ЁШЛИК ДЕВОНИ

олижаноблик кўрсатиб, нигорнинг кўнглига қайғу солма, юрагимни шарҳлаб берганинда тилинг навода бўлсин, ишқимни унга рамзи ишора билан аниқлашгани, ҳасратларимни очиб айтсанг, ёр озор чекади, деб ўтилади, ёрга юксак ҳурмат билан қарайди, меҳр билан ардоқлайди. Ёр унинг учун гўзаллигининг олиймақом рамзидир.

Эркин Воҳидов севгиининг анъанавий, лекин гоёта тиниқ ва таъсирчан тасвирини чизади. Шоир «Севги» ва «Достонга ёз» ғазалларида инсоннинг шу туйғусига чуқур шарҳ беради, унинг моҳиятини очади:

Кел, муҳаббат лаззатини  
Таъриф этиб достонга ёз,  
Турфа гуллардан тикиб,  
Ҳар байтини бўстонга ёз.  
Севги назмига жаҳоннинг  
Гулистони етмагай,  
Нур қалам билан муҳаббат  
Шарҳини осмонга ёз.  
Лолагун айлаб яна  
Мағрибу машриқ уфқини,  
Бир ғазал васлига бахш эт,  
Бир ғазал ҳижронга ёз.

Эркин Воҳидов «Девон»да мана шу сўзларига охирига қадар амал қилади. У ишқий ғазалларида муҳаббатнинг чинакам лаззатларини мадҳ этади, ҳижрон адалларининг оҳли ўтини ошкор қилади, васлга етиш севинчларини оламга ситмас қувонч билан куйлайди. «Девон»га фалсафий, дидактик ва ҳажвий ғазаллар ҳам киритилган. Фалсафий ғазаллар ичида «Даврон юки», «Замон», «Ўзбегим», «Хаёл» сингарилар замонавий руҳни, давр қиёфасини илғаб олиши, чуқур ифодалаб бериши билан ажралиб туради. Шоир бундай ғазалларида тарихий масофаларни нолик мантиқ билан улайди, тенгсиз инсбатларни чиройли қиёсга олиб ке-

лади ва шу орқали инсоннинг улуғлигини, ақл-заковатининг қудратини намойиш қилади. Мана шу улуғлик ва қудрат инсон элимасига катта масъулият юклаганини айтади:

Ёр узра юксалмиш инсон  
Бир қўлида нур — чароғ,  
Бир қўлида бор унинг  
Маҳшар билан тўфон юки.  
Эй табиат, Она Ёр,  
Сен бер мадд, тарк этмасин  
Ҳеч қачон одам дилини  
Виндон юки, имон юки...

«Хаёл» ғазали ҳам фалсафий-дидактик шеърнинг ёркин намуналаридандир. Шоир хаёлниинг гўзал тавсифларини топади, хаёлга шоирона таъриф беради.

Мен хаёлни шеърга солдим,  
Уйпараст бўлса ва лек  
Бесамар бўлса сени  
Бир кун хароб айлар хаёл.  
Бўлгин, Эркин, ҳар нафас  
Эзгу хаёлга ошино,  
Пон эса ният сени  
Олижаноб айлар хаёл.

«Девон» классик арузининг қатор усулларини, анъаналарини давом эттиради. Шоирнинг мураккаб арузга ҳурмати, унинг ифода усулларини ривожлантиришда ҳам, классикларни библио, эргашини, муҳаммаслар боғлашда ҳам кўринади. Эркин Воҳидовнинг ғазаллари ташбеҳларга бой, улар тиниқ ва майин ички мутаносиблик билан жаранглайди. «Девон» Эркин ижодининг ўзига хос боқичи, изланиш мевасидир. У, чиндан ҳам, шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, «севги девонига дебочадир».

Иброҳим ҒАФУРОВ.

## Хоразм шоирлари

Рўзимат ОТАЕВ



### Қушлар

Аёбли шимолдан иссиқ жанубга  
Қағиллашиб ўтар қушлар қарвони.  
Гўёки улар дер: «— Кел қўшил тўпга,  
Олис юртларга юр биз билан, қани?  
Номасълум манзилда сирли машаққат,  
Тотли саргушларга юр биз билан, қани?  
Кутар. Парвозимиз билмайди сарҳад.  
Шиддатли бўронлар пишитар, тоблар.  
Турғунлик жонимга тегмасми жуда?  
Боқ, нотинч дунёнинг чегараси йўқ.  
Тигиз ўрмонларнинг тинч оғушида  
Қушларимиз ўтар осойишта, тўқ,  
Қадоқ елкандан от ташвиши, ғамни,  
Шов-шувли заминдан сен ҳам кенгил воз,  
Юргил, сайр этайлик сўнгсиз оламини,  
Мудроқ чўллар оша учин қандай соз!»  
Ана, жаҳонгашта қушлар тўпори,  
Ҳаволарин кесиб, тинмай чарх урар.  
Ҳорғин будутлардан учиб юқори,  
Хаёлий элларга имлар, чақирар.  
Уфқсиз осмонга боқиб беозор,  
Титроқ лабларимдан учади шу сўз:  
— Қанотли сайёҳлар, толе бўлсин ёр,  
Осмон мадад берсин, дард кўрманг ҳаргиз.  
Лекин маъзур тутинг, сиз билан осмон  
Шовқин-суронларин кўролмама баҳам.  
Менга етиб ортар, дўстларим, бу он  
Эрнинг ташвишлари, ғавғолари ҳам.

Омон МАТЧОН



### Аму

Аму совуқ, бефарқ тоғлардан  
Юз ўгириб, қочиб келади.  
Музликлардан у ялангоёқ  
Ўзига йўл очиб келади.

Ҳувиллаган довонлар оша  
Отлар у пастликлар томон.  
Гўё томдан гушолмай қолиб  
Онасига интилган ўғлон.

Уқубатда тўхтамай бир дам  
Талпинаркан водийлар сари,  
Бардошга беролмас бархам  
Қояларнинг қора ханжари.



Қаранг, телба десалар ҳамки,  
Ўз йўлидан тоймайди эиҳор.  
Гўё тақир ҳув кенгликларда  
Кўзлагани кичик бахти бор.



# ОСИЁ ДУРДО - НАСИ

ОЛАМНИНГ  
КЎЗИ БИЗДА

Жан МАРАБИНИ



Чет эллик ҳақгўй ёзувчилар, журналистлар, олимлар Урта Осие республикаларида бўлиб, бир маҳаллар чор Россиясининг чекка ўлкаси ҳисобланган республикаларимизнинг Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданият соҳасида эришган ютуқларидан ҳайратда қолганликларини яширмайдилар. Шулардан бири — француз Жан Марабинидир. У Парижда чиқадиган «Монд» газетасида йўл очеркни бостирди. Қуйида сиз ана шу очеркни ўқисиз.

## ФАРОВОН ЎЛКА

Урта Осиенинг санаот гиганти бўлган Қозогистон тарихи Сибирь ёки Американинг ўрта ғарби тарихидан ортиқ эмас. Бироқ бу ўлка чегарасига қадам қўйганинг ҳамон бу ердаги тараққиёт қанчалар ўзига хос ва кенг кўламда эканлиги ҳатто Совет Иттифоқининг умумий тараққиётдан хабардор кишида ҳам катта таассурот қолдиради.

Элдинчи йилларда Қозогистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш эпопеяси бошланди ва мамлакатта миллионлаб тонна арзон бугдой етказиб берилди. Руслар жойлашган Ғарбий район меҳнатқаш ёшлари, йигит-қизлар Урални ортада қолдириб, чўл ичкарасига кириб бордилар. Улар қум ва қорлар орасида сунъий кўллар ва қишлоқлар қурдилар, қалин ўрмонзорлар барпо қилдилар. Бу ернинг об-ҳавоси даҳшатли, қўйивчиликлар кўп. Аммо аксарият келувчилар шароитта мослашиб олди. Оналари, қариндошларини ёнларига чақирдилар. Бу ерда никоҳ тўйлари бўлди, болалар туғилди.

Бир неча йил ичида санаот конлари атрофида ўтгизга яқин янги шаҳар қад кўтарди. Бу ўлкан ривожлантиришга зўр берилгани туфайли Урта Осие электрон-ҳисоблаш техникаси, ҳатто Бойқўнурдек йirik космик марказ бўлган қудратли санаот комплексига эга бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакики, Урта Осиеда ирқий камситиш тамомида йўқотилган,

конституция бунга йўл қўймайди, шу сабабли турли миллат вакиллари бир-бирлари билан турмуш қураверадилар.

Агар «илм шаҳри» — Новосибирск Сибирь бағрини тадқиқ қилиш билан банд бўлса, Тошкент — Евразиянинг янги пойтахти, Ўзбекистон эса «учинчи дунё» мамлакатлари учун ибрат бўлиб қолаётир.

Ўзбекистоннинг ер майдони 450 минг квадрат километр, Францияникидан озгина камроқ, аҳолиси 11 миллион. Илгари бу майдоннинг 60 процентини Қорақум билан Қизилқум саҳролари, 20 процентини Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғлари ишғол қиларди. Иқлими мўътадил бўлиб, йилга 250 кун офтоб чарақлаб турадиган бу қурғоқ зона асрлар давомида «сувга ташна» эди. Лекин Ўзбекистонда серсув дарёлар, сойлар кўп, бинобарин, улар жуда катта қувват бера олади. Амударё билан Сирдарё шарқдаги тоғлардан бошланиб, қум саҳролари орқали 2500 километрли йўлни босиб ўтиб, балиққа бой бўлган Орол денгизга қуйилади. Бу дарёлардан, шунингдек, Норин билан Чирчиқ сувидан фойдаланишни йўлга қўйиш учун 100 минг мутахассис меҳнат қилипти. «Ўзбекистон мўъжизаси»ни оддийгина шу сўзлар билан ифодалаш мумкин: «Дарёларнинг чучук сувлари қумларга сингиб кетмасин ёки фойдасиз қўллаб ётмасин, ҳаммаси ерларни суғоришга сарфлансин».

Амударё суви Ганг дарёси сингари мўл оқади, айни пайтда Нилга қараганда икки баравар кўп унумдор лойқа оқизиб келади. Шу сабабли кишиларга даҳшат солиб келган чўл ва даштлар қиёфасини ўзгартириб, мўл-кўл ҳосил берадиган ерга айлантириш мумкин. Жаҳоннинг жаннати — бизнинг жойларимиз дегувчи ўзбек олимлари эндиликда «Биз ҳақ эканмизми?!» демоқдалар. Учар қумлар, тошлоқлар аста-секин пахтазорга, сабавоёт майдонларига айланмоқда. Бу ерларда қуюқ дарахтларга бурканган янги чарогон қишлоқлар қад кўтармоқда. Бу воҳалар узлуксиз кенгайиб, ривожланиб, бора-бора бир-бирларига қўшилиб, яхлит яшил воҳаларга айланмоқда. Буларга қараб туриб, беихтиёр қадимий афсоналарни эслаб кетасан киши.

Аслида, гап Миср фиръавилариники сингари улкан ишлар ҳақида эмас, Авиньон

ёки Оранж райони деҳқонларининг кенг қўламада олиб бораётган ишлари каби ҳақиқат тўғрисида бораётир: бу ерда тобора кўпроқ ариқлар қазилмоқда, ер қатламларидан сув чиқарилмоқда, қўриқлардан, дарё сувларидан фойдаланилмоқда. Сув Бахш этаётган бойликлар ҳатто шолikorликни кўпайтиришга янмон бермоқда. Сўнгра — қуёв полизлари. Бу ерда етиштирилмаётган қувонлар миллий эмблема бўлиши ҳам мумкин. Қаёққа қараманг, мевали боғлар — олма, нок, ўрик, сабзавот. Буларнинг ҳаммаси, тагин қаерда дегн, бир маҳаллар кўчманчилик қўй ҳам ўтла-толмаган жойларда! Ханузгача ҳозирги замон тарихида биз бундай манзарани ҳатто Калифорнияда ҳам учратмаганмиз.

Айни пайтда сахро ўз бағрида янги-янги бойликларни очмоқда. Яқингинадан бери бу ердан нефть ва газ чиқариб олинмоқда, шундай бўлиши мантиқан шарт эди. Бунинг устига яна тошқумир, уран, мис, қўроғшин, марганец, олтн, боксит, вольфрам, графит конлари ҳам топилди. Мен ўша «олтин ер»ларда юрдн (бу ерда олтннинг очиқ майдонлардан қазиб олинмоқда). Тошкент яқинидаги Чирчиқ шаҳрида жўлданга энг йирнк корхоналардан бири бўлган кимё комбинати бор, нефтни қайта тосалан заводн қуриш мўжлакланмоқда. Нукусдаги завод «ИБМ» фирмаси билан баслаша олади. Бу ерда электрон-ҳисоблаш машиналари ва бошқа электрон ускуналари қўлаб тайёрланмоқда.

### САХРОДА ВИДЕОТЕЛЕФОН

Жаҳон табиий газининг пойтахти Гаэлида (уч ярим триллон кубометр газ запаси бор) видеотелефон орқали Муҳаммад Али деган инженер билан гаплашдим, у французчани жуда яхши биларкан. Дарвоқе, Урта Осийда Францияни билишмайди деб бўлмайди. Самарқандлик бир ёш аёл Арагоннинг Гренада ҳақидаги китобини суриштириб турган экан, у «бизнинг Ўзбекистонда Франция тарихини ва унга алоқадор воқеаларни яхши билишадн», деди. Аэродромда француз сайёҳларини кўтиб олишга чиққан «Интурист»да ишловчи таржимон қиз қўшимча қилди: «Сизларнинг ҳазил-мутобаларингиз менга ёқадн. Негакн, биздагига ўхшаб кетади. Қачон бўлса ҳам, мамлакатларимиз орасидан қора мушук ўта олишга ишонмайман!».

Гаэлидаги дўстим Муҳаммад Алининг бой кутубхонасида Новосибирск студентлари қўлида қўрган Селинжер асарларини кўрмадим. Бу хусусда Муҳаммад Али бундай деди: «биз адабиётдаги модернизмни ёқтирмаймиз; ҳайкал ясашни ёки дуртор чалишни афзал кўраемиз. Гарчи биз ҳисоб-китобларни электрон-ҳисоблаш машинасида чиқарасан ҳам классик табиати-миз бор. Бу, сибсатдан кўра, миллий анъаналаримизга боғлиқ. Ҳатто ўзбекча джаз аксар ҳолатда эскича мусиқага яқинроқ туради. Биз бундан кўра, Африка ва Осий мамлакатларининг 64 тасига Ўзбекистон тамғаси босилган тоза моллар элтиб сотаётганимиз билан кўпроқ фахрланамиз. Яқинда биз Тониода экскаваторлар сотишга буюртма олднк.

Кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг 3 мингга яқин вақили ривожланаётган мамлакатлардан 70 тасига борди, улар ўзимиз етказиб бераётган кабель, пластмасса, наос, дон янчадиган агрегатларни қандай ишлатиш кераклигини кўрсатиб берганигана эмас, балки ўша ерда саноат корхоналари қурилишини ташиқл этгани ҳам бордидлар. Бундан ташқари, ҳамма кам тараққий қилган мамлакатларда тиббиётимизни қадрлашади. Бизда ўн минг аҳолига 15 врач ўғри келади. Илмий-тадқиқот лабораторияларимизда бир вақтлар бизни қийнаган, Осий ва Африка халқларини эса ханузгача азоблаб келаятган вабо, безгак, тиф, чечак, ич кетиш ва айниқса кўз оғриқ (трахома) касалликларини тамоман ениги соҳасида ишламоқдамиз. Жаҳонда энг кўп бола туғилдиган жой — бизнинг ўлкамизда (Германия Федератив Республикасидагидан иккинчаравар ортнк) ва энг кам ўлим бўлган жой ҳам — бизнинг юртимиздир!»

Вақтли матбуотнинг (1 йилига 25 миллион нусхада ўзбек тилида чиқадиган 156 кундалик газета, 116 илмий журналлар) ҳамда маҳаллий ва рус тилларидаги китобларнинг кенг миқёсда босилаётгани мамлакатда саводсизликни тамомла ва тез суръатда тугатилганига далил бўла олади. 1928 йилда юзта ўзбекнинг фақат иккитаси ўқиш ва ёзишни билар эди. 1968 йилга келиб, республикадаги 8000 мактабда 125 минг ўқитувчи 3 миллион 500 минг болага таълим берапти. Университет\* ва унинг филиалларидан ташқари, 32 институт билан 92 техника билми юрти ҳам ишлаб турибди.

Одамларнинг рақамларни бамайхотир тақдир қилиш маданиятига бўлган иштиёқи уларнинг театр (бу ерда ўнлаб театр бор), кинога (750 кинотеатр) бўлган иштиёқи билан узвий қўшилиб кетган. Аҳолининг 30 проценти ўйлариди ўтириб, учта кўчли телевидион ҳамда 10 та ретрансляция станциялар орқали телевидение программаларини томоша қилади. Ҳатто Орол денгизи ёнидаги Қорақалпоғистон АССРда ҳар бир оила кечқурунлари тилам устига тўшалган кўрпачаларда ўтириб, палов ва чой тамадди қилган ҳолда экрандаги суратларни томоша қилади. Яйловдаги чўпон кечқурун ўтовига қайтиб, транзистор радиоси қўлогини бурайди. Радио овозини эшитган бургут хушёр тортиб, бошини кўтариб қўяди.

Асрлар давомида оч-наҳор яшаган, чаёнлар бижиллаб ётган ерларда ялангоёқ юрган ўзбеклар эндиликда яхши, башанг кийинадилар. Улар республикадаги замонавий саноат (1.179 завод) ва механизациялашган қишлоқ хўжалиги (90 минг трактор) йил сайнн янги-янги бойликлар вужудга келтираётганидан ва бундан халқ манфаат кўраётганидан қувонадилар.

Бу ердаги табиат мухлисларига бизнинг Сарсель (Париж) четигаги янги шаҳар. — Редакция) сингари ноқулай шаҳар, мутлақо ёқмайди! Фрунзе атрофида яшовчи одамларга ўзларининг анъанавий ҳордиқлари — узоқ масофага саёҳат, қўлга бургут қўндириб қўшни тоғларга бориб ов қилиш ёқадн. Шаҳарликлар эса кечқурунлари шаҳар ичидидаги сон-саноксиз сайроғларга оқинларни тинглагани тўпланадилар. Рақслар бўлса одатда қир-адирлар орасидида очик майдонларда ижро этилади. Отлиқлар бундай томошаларни ўйиннинг охиригача эгарда ўтириб кўрадилар. — бу, америкаликларнинг фильмларни очик ҳавода автомашиналарда ўтириб томоша қилиш одатларининг қирғизча варианты дейиш мумкин.

Отлиқларни Ўзбекистон жанубида, Қозогистоннинг кўз илгамас текисликларида ва 2 миллион аҳолидан 30 минг студенти ўқиётган Тожикистонда ҳам учратиш мумкин. Бу ернинг халқлари жасур йигитларни қадрлайди, сершоқини, тиқилинч, ранго ранг бозорларини, тоғлар ва водийларни кезини ёқтиради, шундоқкина кўча юзидида қовуриб сотиладиган гўштдан тааммўл қилишни севади. Ленинободда чой сотиб турган одамни суратга олаётганимда, кулишиб: «Наҳотки, сиз илгари самоварни кўрмаган бўлсангиз?» деб сўраб қолишди.

Коллективчилик ҳеч қачон полга гиламлар тўшалган, деворларга гиламлар осиб қўйилган хашамдор ўйларни, кенг боғли ҳовдичларни, асалари уяларини, тандиру рўзгорга керакли бўлган ашёларни, шунингдек, хўжалиқда от ёни оқ туя сақлашни таъқиқламайди. Буларнинг ҳаммаси оила ҳаётида бола сингари ажралмас нарсалар.

Чекер қишлоғида истиқомат қилувчи ёш қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтамов жаңуб одамларининг гуманизми ҳақида гапириб берди. Мана шун узоқ жанубга бориб, жаҳондаги энг гўзал жойлардан бирида бўлдим. Ута лаззатли паловини егач ва қанотли рақамлари билан танишгач, социалистгина эмас, бу ўлкада яшовчи одамларнинг қадрдон дўсти ҳам бўлиб қайтдим.

\* Академия демокчи бўлса керак.  
Редакция.

## Аммо бекор ёнса юрак...

Бизга бари бир, эй дўст,  
Ўтса баҳор, ёз фасли!  
Чаманларни сувга буркаб,  
Майли, ёғсин сел, ёмғир!  
Майли совуқ қиш ҳам ўтин  
Саҳроларни қамчилаб!..  
Майли йўлда лой кечайлик,  
Саваласин майли сел.  
Умр йўлини биз мардона  
Босаяқмакмиз, босамиз.  
Аммо бекор ёнса юрак,  
Эмасми умр касди?!..  
Дардсиз ўтган умрга,  
Бўларми чидаб асти...

### Қиз

Қиз кўзгуга қаранди,  
Ўсма кўниб, таранди.  
Юздан гул, кўздан нур  
Атрофига таралди...



### Ўтгани ёмон...

«Тинч ўтди умр» дейсан,  
«Ўтгани ёмон», дейман,  
«Иш битди тамом», дейсан,  
«Битгани ёмон», дейман.  
Давр сурднг, кайф билан,  
Давлат билан, сарф билан,  
Аммо ному нипонсиз  
Кетганинг ёмон, дейман!..

### Қиз ва кўза

(Саҳнамиз товусларига).

Қиз хиромон, қўлида кўза,  
Боқар хандон, кўзини суза...  
Аммо ногоҳ хаёли учди,  
Гўё кўздан бир юлдуз кўчди...  
Сизкинди бир,  
Қоқилди у.  
Кўза синди,  
Тўкилди сув.  
Сўнган каби кўзда юлдуз  
Ранги ўчди,  
Оқарди юз!  
Эгиди бош,  
Чамирилди қош,  
Тўкилди ёш!  
Гўё синган эди кўза,

қалбини уза...



# ГУЛ



Акбар ота ташқарига чиққанида қош қорайиб қолган эди. Бегамлиги қурсин. Маҳалла комиссиясининг йигинида анча ўтириб қолди. Кеч бўлганда гул топиламинки. У янги ёққан қорни гарч-гурч бошиб гул дўконига қараб йўл олди. Опоқ ёпинчиққа бурканиб олган дарахт новдалари худди салом бераётган келинчакек эгилиб мудради. Йўл четигаги сёмёгочлар ҳам бошларига оппоқ қалпоқча қўндириб олишган.

Ёнидан кўкимтир учқун чақнатиб трамвай ўтди. Совуқ худди моҳир рассомдек вагон ойналарига ҳар хил шакллари чаплаб ташлабди. Бу шакллар Акбар отанинг кўзига антиқа бир гулзор бўлиб кўриниб кетди. Ҳар гулларки, нақ кўзни олади.

Дўнгликда чева учинаётган бир тўда болаларнинг ёнига келганида беихтиёр тўхтади. Болаларнинг ченада паства ёзиллаб тушишларига, бир-бирларига ўрилиб умбалоқ ошиб йиқилишларига маҳлиё бўлиб анча туриб қолди...

Гул дўконига келганида эшик қулфлоглик эди. Хибонда одам кўп. Совга-салом кўтариб у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтиб туришибди. У қоровулни зўрга қидириб топди. Ўзи тенги қария экан. У Акбар отанинг нима мақсадда келганини эшитиб қолди.

— Янги йилда кампирни бир хурсанд қилмоқчи бўлибсиз-да.

— Йўғ-э,— деди Акбар ота ийманиб. Сўнг ғурур билан қўшиб қўйди.— Невара кўрганман. Бу, иккинчиси.— Келиним гулни жуда хуш кўради. Кўнгли кўтарилсин дедим.

— Гул бўлса ўғилнинг ўзи олиб борар, қўйинг қариганда... Биз гул кўтариб юрадиган ёшдан ўтдик, биродар.

— Ўғил Москвага кетган.— Акбар ота кўйиниб тушунтира бошлади.— Иш билан юборишган. Бир йўриғини қилмасангиз бўлмайди. Еш нарса, кўнгли ўксиб қолмасин.

Қоровул ўйланиб қолди. Чўққи соқолининг учини кўрсаткич бармоғига ўраб ўйнай бошлади. Икки қария бир неча дақиқа сўзсиз қолди. Ниҳоят қоровул ўрнидан турди. Нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, гапирмади. Шу индамаганча ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай урта яшар бир кишини бошлаб кирди.

— Кўз-қулоч бўлиб тур. Мен бир зумда қайтиб келаман. Чой қайнаб турибди. Дамлаб ич,— тайинлади у бирга кирган кишига. Кейин Акбар отага юзланди.— Қани, юриг, биродар.

Улар энгил машинага ўтириб Себзордаги қинғир-қийишқ кўчаларнинг бирида тўхташди. Қоровул шовиб қўш табақали эшикка кириб кетди-да, ҳаял ўтмай каттагина гулдаста кўтариб чиқиб келди. Ҳар гулларки, кўзни олади. У машинага ўтираётганида эшик олдига жуи рўмонга ўралиб олган хушрўйгина қиз кўринди.

— Ада, эртага мен нима қиламан, энди...— деди у ўксик оҳангда.

— Қайтишимда дўкондан ола келаман, хўпми, она қизим.

— Қизингизми?— сўради Акбар ота йўлга тушишганида.

— Ҳа,— деди қоровул энгил тин олиб.— Эртага тунгилган қуни. Шу гулларни атайлаб ўзи парвариш қилаётган эди. Ўртоқлари келишаркан. Ҳаммасини узганимга хафа бўляпти.

— Э, аттанг.— Акбар ота афсусланиб бош чайқади.— Шундоқ қулгў кунда ранжитиб қўйибмиз-ку.

— Йўғ-э,— деди қоровул бамайлихотир.— Гул топиладиган қарса. Сиз келин билан неварани хурсанд қилинг. Кампирга ҳам гулдан икки донасини ола кетинг. Ешликни бир эслашасизлар.

Икки қария бир-бирига маъноли қараб олди. Кейин кешик оғизларини катта очиб хузур қилиб кулишди.

Хурматли журналхон! Қўлингиздаги «Гулистон»нинг 1967 йилда ташкил этилганлигини яхши биласиз. Лекин унинг «Ер юзи», «Ўзбекистон қурилишда», «Машғала» каби журналлар вориси эканлигини хабарингиз борми?

«Гулистон»нинг биринчи нумари «Ер юзи» эди. Унинг илк сони 1925 йил 7 ноябрда чиққан. «Ер юзи» ҳақида Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» (Тошкент — Самарқанд, 1927 йил) китобида қуйидагиларни ўқиймиз:

««Ер юзи» ўзининг биринчи сони биланоқ ўқувчилар орасида кутилгандан ортқ ҳусн-таважжў қозонди. Жуда тез фурсатда ўз ўқувчиларини топди. «Ер юзи» ўз таъсисидан бошлаб ҳали тегилмаган маҳаллий маззуларга тегмакка бошлади. Атрофда малакали мухбирлар ва журналистларнинг йўқлигига қарамадан, бу йўлда бирмунча муваффақият қозонди».

««Ер юзи» дастлабки сонлариданоқ республикамиздаги социал ўзгаришларни, илгор тенденцияларни биринчи бўлиб пайнаб оlishга ва оммабоп таъсирчан усулда баён этишга ҳаракат қилди».

«Хивада ўртоқ Ленинга қўйилган ҳайкалнинг очилиш маросими», «Ленин институти», «Ўзбекистонда кооперация ишлари», «Ўзбекистон электрлашди», «Ер-сўв ислоҳоти», «Эски ва янги ҳаёт», «Радио ва унинг Ўзбекистондаги инкишо-

фи» каби мақолалар фикримизнинг далилидир.

«Ер юзи» ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришда, ёш шоир ва ёзувчиларнинг янги асарларини майдонга чиқаришда ғайрат кўрсатди. Ойбекнинг «Комсомол», «Маркс», Уйғуннинг «Колхозчи қизга», Ғайратийнинг «Ленин», Миртемирнинг «Кураш ва тилка», Ғайратийнинг «Хужум», Ҳамид Олимжоннинг «Улим ёвга», «Снеб», Абдулла Қаҳҳорнинг «Бошсиз одам», «Комсомол кўчаси. 3», Гафур Ғулومнинг «Соат», «Соғлар», Яшиннинг «Келинчақ» каби асарлари биринчи марта «Ер юзи»да бошилган.

Журнал ўз ўқувчиларини О. Генри, Р. Тагор, Прем Чанд,

## НЕЧА ЁШДА?

А. Барбюс, И. Бехер, А. Франс, А. Чехов, Л. Толстой, М. Горький каби жаҳон адабиётининг намоёндалари билан ҳам мунтазам таништириб борди.

1931 йил декабрида «Ер юзи» ёпилди. Унинг ўзига 1932 йил апрелидан ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон қурилишда» деган ойлқ журнал чиқа бошлади. Лекин бу журнал ҳам 6-сонда тугатилди. Кейин ойда бир марта нашр этиладиган «Машғала» номли расмий журнал ташкил этилди. «Машғала» 1935 йилнинг январигача чиқиб турди. Февралдан эса «Гулистон» журнали айлантирилди. Шу ном билан то 1941 йилнинг июнигача 72 сон чиқди. Бу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб, респу-

ликамиздаги кўпгина газета-журналлар қатори «Гулистон» ҳам вақтинча ёпиб қўйилди.


«Гулистон» журналининг таҳрир хайъати 1937 йилгача «Машғала» журнали қoшқидаги ўртоқлардан иборат эди. 1938 йилдан 1940 йил охиригача журнал муҳаррири сифатида Ҳуманиёз Шарипов, ундан сўнг Эминжон Аббос ишлайди.

«Гулистон»нинг «Ер юзи», «Ўзбекистон қурилишда», «Машғала» ва маълум «Гулистон» номлари билан 202 сон нашр этилган. Бу саҳифалар 20—30-йиллардаги муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларнинг солломаси бўлиб қолди. Ер-сўв ислоҳоти, «хужум» кампаниялари, қулқларнинг синф сифатида тугатилиш, мамлакатда социализм қуриш, маданий революция воқеалари бадиий-сиёсий рўхта, гоъий ўтирилик ва жанговарлик билан ёритилди. «Гулистон» ёзувчилар билан ўқувчилар алоқасини мустаҳкамлашда, қалам аҳллариининг ижодий активлигини кўрсатишда ҳам кўп хизмат қилди, халқимизнинг маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга катта куч сарфлади.

«Гулистон» бу йил 45 ёшга тўлади. Журналининг эски жилдларини варақлар экансиз, унинг Ўзбекистон тарихида ўзига хос кўзгў бўлиб хизмат қилганига қаноат ҳосил қиласиз.

Шероли ТУРДИЕВ,  
филология фанлари кандидати.

АФГОНИСТОНДА янги йил март ойида киради. Шу кунни пошшо далага чиқиб, омов билан биринчи эгат очиб беради. Сўнгра Наврўз — баҳор байрами бошланади. Урмон, бог майсазорлар шаҳарликларга тўлиб кетади. Этиндўз-у тинувчилар, дурадгору бўёқчилар, мисгару тўкувчилар, хуллас ҳамма, ихтисосига қараб тўп-тўп бўлиб сайр қилишади. Байрам кунлари маст қиладиган ичимликлар мутлақо оғизга олинмайди. Фақат шарбат ичиб, ширинликлар тановул қилинади, Афгон аёллари Кобулдаги шаҳар боғида алоҳида байрам қилишади. Бу боғда бирорта эркак зоти йўлатилмайди. Бобир парнида насаддор қорамоллар намойиш қилинади, полвонлар кураш тушади, миллий рақслар ижро этилади.



ВЬЕТНАМЛИКЛАР янги йил байрамини тет, деб юртишади. Бу мамлакатда янги йил байрами ой календари бўйича, эрта кўнламда ўтказилади. Вьетнамликлар, айниқса, ёшлар байрам кунлари қариндошуруларнинг қабрини зиёрат қилишади. Йилнинг қолган кунлари ҳам шу байрам кунларидагидек ўтсин деган ниятда ҳамма мулойим, шинаванда бўлишга, асабийлашмасликка ҳаракат қилади.



КАМБОДЖА одадига кўра, янги йилга бир неча кун қолганда пойтахтдаги Кумуш будда ибодатхонасида улкан кум тоғи ясаллади. Бунда қирол, унинг оила аъзолари ва катта амалдорлар қатнашади. Хонадонларда ҳам гуручдан, балъзан эса сомсадан «тоғ» ясаллади. Янги йилда кўпроқ ёмғир ёгсин учун Будда ҳайкали сув билан ювилади.

ЭРОНИЙларнинг янги йил кутиши ҳам қизиқ. Наврўзга икки ҳафта қолганда бугдой ундириб қўйилади, у табиат уйғонганлигининг рамзи сифатида байрам дастурхонини безаб туради. Уйдаги ҳамма идиш сопол янгиланади. Ниҳоят февралдан 21-март кунни шаҳарларда тўп отилиб, янги йил бошланганини билдиради. Бу вақтда ҳар бир киши танга ушлаб ўтириши керак. Анс ҳолда йил бўйи унинг боши камба, галлидан чиқмайди.

## ТАРИХИЙ РИВОЯТНИ ДОСТОН ТАСДИҚЛАДИ

1967 йилги ўзбекча календарнинг 26 сентябрь варағида Н. Хорьковнинг «Темуранг минораси» деган ахбороти босилган эди. Авторнинг ёзишча Жанубий Урал темир йўлининг Темуранг станицасидан уч-тўрт километр нарида, Большое Кисене кўли ёнидаги чўлда XIV асрнинг аjoyиб ёдгорлиги — Темуранг минораси қад кўтариб турибди...

Темур Олтин ўрда хони Тўхтамишни энгиб ўғини асир олади. Асир гоятда жасур ва хушрўй эди. Темурнинг қизи асир йигитни севиб қолади. Кейин отанининг сафарга кетишидан фойдаланиб, соқчига пора беради. Янги тил билан бирга қочиб кетади.

Қочқинлар кезиб юриб Кисене кўлига етадилар. Йигит севгилисини тўғайзорда қолдириб, ўзи оқ қилгани кетади. Қайтиб келгач, севгилисининг тилла-пора бўлган жасадининга топади.

Бу воқеадан хабар топган Темур фожиа юз берган ерга келади ва бу ерда катта минора — мақбара қуришга фармон беради.

Аламли ишқ афсонасидан ана шундай дарак бизгача етиб келди. Яқинда адабиётшунос Насрулла Давроновнинг илганилари натижасида, Сайфи Саройининг (1323—1396) «Сухайл ва Гулдурсун» деган достони топилади. Маълум бўлишича, ўша минора Гулдурсунга аталиб қўрилган экан. Достоннинг қисқача мазмунини кўйидагича: Амир Темур Урганч шаҳрини забт этиб, жуда кўплаб асир олиб, Самарқандга қайтади. Тутқулар сафида Сухайл исмли йигит ҳам бор эди. Темурнинг қизи Гулдурсун ўша йигитни севиб қолади. Кунларнинг бирида, зиндон қоровулини маст қилиб Сухайл билан бирга қочиб кетади. Улар жуда кўплаб сувсиз саҳро-бябонлардан ўтадилар. Хорьков ёллаган Кисене кўлига яқин қолганда, қиз бетоб бўлиб қолади.

Сухайл йироқда кўзга чалинган манзилдан нон ва сув топиш умидида, дармонсиз қизни қолдириб, жўнайди. Йигит қайтиб келаски... Сухайл бу маълум фожиа қаршида изтироб чекиб ўз кўксига ханжар санчади... Достон воқеаси ҳақида шоир Сайфи Саройи ёздики:

Хатм эттим бунни тарихга ёдгор,  
Бу ёдгоримда ёлгон йўнчу чин бор.  
Битиган номани эллар ўқугай,  
Сухайлнинг тарихини тоза билгай.

Достонда Темурнинг излаб йўлга чиққани ва мақбара кургани ҳақида маълумот йўқ. Аммо кўриниб туриптики, ўша биро Гулдурсун хотирасига тикланган экан.

Бу тарихий воқеа юз берган вақтда Сайфи Саройи Олтин ўрдада эди. Достон автори тарихий гувоҳ сифатида ишончли кишидир. У ўзи ҳам хоразмлик эди.

Сухайл ва Гулдурсун қисмати — воқеий ҳодиса эканлигига шубҳа қолмади. Демак, «Сухайл ва Гулдурсун» достони ўзбек классик адабиётида яратилган илк тарихий достон бўлиб чиқади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ.

ЯПОНЛАР янги йилни жуда қизиқ кутиб оладилар. Эски йилнинг охириг кунни улар ҳамма идишларидаги сувни тўкиб ташлайдилар ва булчондан янги сув олиб келиб, нутиб ўтирадилар. Эски йил тугаб, кўнги-роқлар бонг ургач, катта-ю кичини булоқ сувига ташланади. Шу йўсинда улар эски гуноҳларини «ювишади». Кейин дастурхонга гуручдан тайёрланган таом тортилади. Янги йил кечаси эски кийим-бош, яроқсиз асбоб-усуналар ташқарига чиқариб ташланади. Кишилар янги йил арафасида қарзларини узиб, «тозаланиб» оладилар.



БУЛГОРЛАРнинг янги йил кутиши ҳам галати. Эски йилнинг охириг дақиқаларқ утаётган пайтда қироқлар уч минут ўчириб қўйилади. Ана шу уч минутлик «сирли» пайтда кишилар хоҳлаган кишисидан бўса олиши мумкин. Совет Иттифоқининг Болтибўйи республикалари халқлари орасида ҳам шундай одат бор.

Бизда янги йил кечаси қорбобо келади, болаларга совға-салом улашади. МУҒУЛИСТОНда эса янги йил кечаси хонадонларга қорбобо чўпон қўйфасида кириб келади. У икки тошни бир-бирига уриб, ўчоқларга олов ёқиб беради. Шу билан гўё одамларга бахт улашган бўлади.



ВЕНГРИЯДА янги йил дастурхонини турли-туман ноз-неъматлар билан ясашилади-ю, парранда гўшти қўйишмайди. Чунки паррандининг қаноти бор. У учиб кетиши, у билан бирга хонадондан бахт ҳам кўтарилиб кетиши мумкин...

РУМИНЛАРнинг удуми яна ҳам бошқача. Янги йил кечаси ҳар бир хонадонда ширин нулчалар тайёрланади. Бунинг учун хамир қораятганда унга танга, узук, чинни қўриқчоқ, аччиқ қалампир қўшиб қўйишади. Меҳмонлар нулчаларни еб ўз бахтларини синаб кўришади: агар қизнинг нулчасидан ҳалқа чиқса, демак, у янги йилда эрга тегади. Жувонга қўғирчоқли нулча тегса жон-жон дейди. Чунки у фарзанд кўради. Ҳаммадан ҳам тангали нулчанинг эгаси бахтли ҳисобланади. Ахир, янги йилда бой-бадавлат бўлади-да!

Янги йил қачон ва қерда, қай тариқа нишонланмасин, ҳамма ерда бир мақсадми кўзда тутади: яхшилик! Биз ҳам янги — 1970 йилдан фақат бахт-саодат кутамиз.

# Янги йил Ҳазиллари



**Шукур  
БУРҲОН**

СССР халқ артисти


Ҳозирча ҳамроҳим кўҳна Эдип шох,  
Замонавиймас деб қилманг киноя.  
Замонавий ролга чақиринг, оҳ-оҳ,  
Майли театрга, майли кинога!



**Шоймардон  
ҚУДРАТОВГА**

(Механизатор, Социалистик  
Меҳнат Қаҳрамони)

Нега олқишлайди мени миллионлар,  
Гангитиб қўяди ахир кишини.  
Қандай кўтарайин, фақат биттаман,  
Фақат минг кишининг қилдим ишини



**Иброҳим  
МУМИНОВ.**

академик

Маълум даражада темурийман мен,  
Лекин қиладиган жангим бошқача.  
Тарихдан ҳақиқат, бож сўрайман мен,  
Ҳақиқат юксалсин то қуёшгача.



**Қалабой  
АБДУРАҲМОНОВГА**

(Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, чўпон)

Қўй келар қўзи билан, қур-е, қур-е,  
Қалабой изи билан, қур-е, қур-е.  
Томди чўли ёришади кўксидаги  
Олтин юлдузи билан қур-е, қур-е.



**Мухтор  
АШРАФИЙ**

композитор

Қанча мақтасангиз турай устивор,  
Энди кўз тегмайди, бордир «Тумор»-им  
Ўзимизнинг ҳаётдан ҳам бир хаёлим бор,  
Ўшани ёзмасам чиқмас хуморим.



**Сайд  
АҲМАДГА**

ёзувчи

Нигирманчи асра,  
Оғир қадам — насра,  
Уфқларга чодингиз,  
Икки китоб топингиз.  
«Уфқ»ларга ярашиб,  
Жилоланар афтингиз.  
Раҳмат, раҳмат, қўш раҳмат,  
Ота ўғли Сайд Аҳмад.



Цейтног

Т. МУҲАМЕДОВ дўстлик ҳазиллари,  
Д. СИНИЦКИЙ ва М. ВОРОБЕЙЧИКОВ  
расмлари.



Шаҳрисабзнинг натта бир қишлоғида гурунглашиб ўтирибмиз. Гап айлаиб жимли, осойишталикка тақалди.

— Тан соглиқ — хотиржамлик, деб қўйибдилар,— деди кимдир,— осойишталикка нима етсин.

— Тўғри айтасиз, ака!— деди ҳалитдан бери индамай гап тинглаб ўтирган Мўминжон,— илгари унча эламасдим. Шу биласими, ака,

# СУРНАЙ

мен фақат одамни десам, дунёдаги жамини жонивор тинчлининг гадоси экан.

Мўминжон жойлашиброқ ўтириб олди-ю, гап бошлади.

— Йигирма қадамча ток қилувдим денг, бечора бултур шундай қилибдики, бошини ейман дейди. Эрталаб машинани гилдиратиб биз ишга жўнаймиз. Икки боласини онасига ташлаб келинигиз далага кетадилар. Мана бу паст томондан,— Мўминжон кўли билан жанубни кўрсатди,— қора майна деган бир бало келган. Ана пишаман, мана пишаман, деб турган узуларни чўқилаб бутунини қўймайди. Ундоқ қиламан бўлмайди, бундоқ қиламан бўлмайди. Ахийри ўйлаб-ўйлаб илоҳини топдим. Шошмай тур, сени бир расвои радди бало қилмасамми, дедим. Пингиллаб гаранга бориб ўн қулочка сим топиб келдим. Тонкинг остига узун қилиб бойладим. Уйдан эсини консерва банкамийей, ўғлини ўйинчоқларини қай гурда ётган ҳамма темир-терсанни чиқариб сизга осдим... Бир яхши кучунчам бор эди. Бўйнига занжир солиб ҳалқасини ҳалиги сизга ўтказиб қўйдим. Ана энди нелавер, қора майна, деб томоша қиле-еб турдим. Майна гурр узумга ёпирилади, кучун осмонга

# ГУЛНИНГ ТИКНИ

сапчийди Ҳалиги тунуқалар, ўйинчоқ-у эски қўғирчоқлар «даранг! дурунг!» қилиб берса, майна деганинг юрагини ҳовучлаб чочади.

Қутулиб қолдим. Эрталаб кетиб тунда келаман. Кучук азамат бутун маҳаллани бошига кўтариб қоровулни қилади.

Бир кунни қўшнимиз Садир ака қақириб қолди.

— Мўминжон, шу нарнай-сурнайингизни ҳеч бўлмаса нечаси гўхтатиб қўйинг. Уйку ҳаром бўляпти, жон ука...

Қарасам, рост айтаяпти. Кечаси майна босмайди-ку, деб кучукни бўшатиб қўядиган бўлдим. Мундоқ фаҳм солсам, гумбур-гумбур бир қўшнимнинг эмас, кучукнинг ҳам жонига тегибди. Уч кун симни даранглатиб юрди, тўрт кун, беш кун... Олти кун деганда ўзини таппа ташлади. Урнидан турмайди. Идишига овқат солсам, сизга хўмрайиб бир қараб олиб, сенин ялоңца келди. Оғзи куйгандай кўрчиброқ эҳтиёт ичади овқатини. Кейин сизга бир қараб қўйиб ўрнига чўзилади. Яна қора майна босиб нетди. Кучукни занжирдан чиқариб юбордим. Бор-е, еса ер, бизга қолганим етар, дедим.

Бир кунни ишдан келсам, ўғлим сурнай чалиб юрибди. Тоғаси обиелиб берибди. Сурнай овозини эшитганда кучук думини қисиб қолади, денг. Уғлим қувониб, унга сайин қув-

лаб чалади. Кучук қаерга бекинса, бориб қуллогига пуфлайди. Кучук шўрлининг икки кўзи эшикка тиниладиган бўлиб қолди. Уғлимни кўрди дегунча сурнай бўлса-бўлмаса тирайлаб чочади... Тоза куйган экансанда-е, деб қўяман ичимда.

Бир кунни капласини икки обёига тиқиб ётиб олди. На овқат ейди, на бир ерга юради. Кўзларини юмади-ю, ётаверади. «Бечора ўлиб қолмасин, деб билгичга кўрсатай» дедим. Бир билагон оғайин бор эди, олдига бордим. Бечора йўқ, дедим эргашиб келди. Кўриб-кўриб, «невроз бўпти», дейди. «Неврозинг нима», десам, «псих бўлган кучунгинг»,— дейди.

— Нима қилай?— дедим.

— Ихтиёринг, путёвга топсанг курортга юбор,— деб нулди.

Ҳазил-ҳазилу, ака, лекин ростдан ҳам шовқиннинг остида қилиб псих бўлган экан бечора. Беш кун деганда раҳматлик... ётган ерида бандалинни бажо келтирди...

Одамлар думалаб куларди: биров дастурмоли билан юз-кўзини ишқар, биров биқинига ёнбошлаб қолган, яна бир меҳмон тинмай йўталар эди. Фақат Мўминга наулмас, у «бунинг нимаси қулгили, мен жиддий нарсани гапирялман» деганден ҳаммининг юзига мўлт-мўлт қарарди.

С. ҚАРНОҚЛИ.

# НОВИК НИХОЛИМ



Бирпас ёнимга ўтир, жонгинам, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор. Тўғриси янги айтсам, мен сени севмас эдим, гўзалим, лекин севдим. Мен сени ҳеч ҳам ҳурмат қилмасдим, эркам, аммо ўзингга маълуғим, ҳурмат қилдим. Ҳар ҳафта янги рангга бўяладиган мана бу сочларингни силагим келмасди, мўрчамиёним, лекин силадим. Сенинг ўжарликларинг роса жонимга теккан эди, малагим, аммо чидаб, севдирмай келдим. Сенинг заҳарли сўзларингнинг тинглашга менда тоқат қолмаган эди, меҳрибоним, аммо тинглашга мажбур бўлдим. Мени ҳақорат қилишга сенинг ҳақинг йўқ эди, нозлигим, лекин ўтган икки йил ичиди сен мени истаганинча ҳақорат қилдинг, тўғрими, сарвинозим?

Индамасан-а, нозик ниҳолим? Индамасанг-индама. Ҳаммасига отанг, унинг бизга совға қилган «Волга» машиниси ва истаганимизча бериб турган пуллари сабаб бўлди. Отангни ишдан олишиди, бизни бир-биримизга боғлаб турган «Волга»ни ҳам олишиди. Энди, мен ҳам кетаман, қалам қошлигим. Бизга ҳам бир муносиб одам топилиб қолар... Қўй, йитлама, ойжамолим. Кел, охири марта бир ўпайин... Хоҳламайсани? Ундай бўлса, ўзинг биласан, донолар доноси... Хайр, яхши қол, қора кўзлитим...

Исо АВДУРАҲМОНОВ.

Самарқанд.

# ДАҲА

Етоҳона. Имтиҳонга саноқли кунлар қолган. Студентлар ипан қуртга ўхшаб «даҳа»га кирган. Ҳар ҳона эшигига бир калимали «манқубча»:

- Тақиллатма, ҳаёлим бузилди.
- Дафтарим йўқ.
- Авторучканинг сиёҳи тамом бўлган.
- Питэини комендант олиб қўйди.
- Тройник йўқолган.
- Дазмолини Ортиқ куйдириб қўйган.
- Бир тийиним йўқ, стипендия олмайман.
- Рубобни топшириб юборганман.
- Супурги қизларда.
- Шим, кўйнагимни сўраманг, бермайман.
- Карим, вахтёрнинг олдида сенга хат бор.
- Акрам, сени Зулайҳо сўради. Уша жойга барормишсан...
- Шахмат, қарта 79-ноннатада.
- Ботинка мойи тамом бўлган.

Чўтхаси йўқ.  
Ҳар қанақа зўр бўлса ҳам, кинога бормайман.  
Ойи, сиз нелсангиз кичкиналигимдаг отимни айтиб қақиринг.  
— Гантелларни спорт залга олиб бориб ташладим.  
— Пластинналарни Райнага бериб юбордим.  
— Мен уйда йўқман.  
— Чойга, овқатга чиқмайман.  
— Зоҳид, сен нелсанг қандай тақиллатишни биласан.

Ҳамдам ҚУЧҚОР.

# ҲАҚНАЗАР

## ТЕРМАЛАРИ\*

Айтсам ҳажвий термалар, Аччиқ гапим терилар, Ким учраса қаҳримга Минг ўлиб, минг тириллар. Ахир нуқсонлар камми, Нега санчмай найзамни?

Нингит бор, йингитмисан, Дейсиз: қурувчимкан? Суриштирсам касбинги Кийим илувчи экан.

\* Ҳақназаримиз янги вилдан шеър машқ қила бошлабди, қаранг.

Бундай «полвоңлар» камми, Нега санчмай найзамни?

Бошқа бири нозлимиш, Иш жойи чўл, Газлимиш, Узи сув сотар бузда, Чунки сув газлимиш. Хор қилса у дипломини, Нега санчмай найзамни?

Куздап кейин қиш эмиш, Қанотдилар қуш эмиш, Бундай мужмал жўн гаплар

Олим ёзган иш эмиш. Узин олим санайди, Ешларни савалайди. Мансабдорлар кўрinsa Этганин ялайди. Бундай «донолар» камми Нега санчмай найзамни?

Дўстим ишлар таксида, Вақтим йўқ дер аксига. Еғдироқ пул чиқарсанг Дейди: «Жоним бахшпйда»

Бундайлар самолётни Ҳайдамаса яхшийдим... Пулга ошиқлар камми, Нега санчмай найзамни?

Бу йингит шайдо эмиш, Ҳаёли сойда эмиш. Уч кунда учта жонон Енида пайдо эмиш, Тутолмай ўпқасини, Тутади гапга сени. Ҳар қизга очар қалбин Очандай папқасини, Папқа юраклар камми, Нега санчмай найзамни?



## ҚУВНОҚ ВА ЎЙЧАН СВЕТЛОВ

(Шоирнинг кўнгил дафтарида)

Гёте шоирнинг ижод йўлини ажойиб таърифлаган. У дейди: аввал шоир содда ва ёмон ёзади. Кейинги босқичда у мураккаб ва ҳамон ёмон ёзади. Ва, ниҳоят, ижоднинг чуқур қисмида содда ва яхши ёза бошлайди.

Офицер-шеърлар, генерал-шеърлар бўлади. Гоҳо маршал-шеър ҳам учрайди. Менинг шундай маршалим — «Гренада» эди. Тўғри, энди у қариб қолди. Пенсияга чиқса ҳам бўларди. Лекин чиқмапти, ҳали иш-ламоқчи.

Кўнгилда шоирларнинг бахтсизлиги шундаки, улар туйғу билан ўқувчиға таъсир этиш ўрнига, ўз кечинмаларига маҳлиё бўлиб қоладилар. «Оҳ кўнгилм гаши!» ёки «оҳ, қалбимда қувонч!» деяверган билан, бу туйғу-ҳаяжон эмас, бу туйғу-ҳаяжондан хабар бериш холос. Бундай ахборотга ишонмас ҳам бўлади, ишонмасак ҳам. Кўнгилча ишонмаймиз.

Талантли кишининг жозибаси нимада? Шундаки, у одамлар билан суҳбатлаша билади.

Санъатнинг буюк қонуни: ҳамма нарсаи кўрабилиш учун ўзинг пана-дароқ бўлишинг керак. Кўплар аввало ўзини пеш қилади.

Мусабатни санъат оламига олиб кирилмаса, у шунчаки мусабатнинг ўзини бўлиб қолади.

Заҳархандалик — сатиранинг ягона қуроли эмас. Машҳур сатирик Го-

голни эслайлик, нақадар буюк ва меҳрибон қалб!

Катта шоир сафни бошлаб юради. Катта шоир бошқа шоирларга ўхшаймайди.

Поэзия оламида, худди нотаниш шаҳарда юргандек, адашиб юриш керак — ҳар муюшда сени қувончли тасодиф кутади.

Шоир «Мен уни севаман» деб ёза ҳақли, лекин агар бу «Қаранг-а, мен уни нақадар севаман!»га айланса, шеър пачава бўлди деяверинг.

Ҳаваскор шоир учун қофия — ма-ликадир, етук шоир учун эса — чўри.

Санъат — суҳбатдир. Санъат сиз билан суҳбатлашаётган Пушкиндир. Бақриш ярамайди. Китобхон қар эмас.

Китобхон ҳам худди ёзувчидек талантли бўлса — шунда адабиёт пайдо бўлади.

Баъзилар лирикани кундалик дафтар деб билади. Йўқ, лирика — драмадир.

Менинг қасбим — гўзалликни таҳлил қилиш эмас, унга ҳайратда қолишдир. Поэзия мен учун — анатомик театр эмас, ҳаммаша типирчилаб турган тирик жон.

Шеър ёзиш — азобли йўл. Аммо бу йўлнинг охирига етсанг — гуркираб ётган чаманзорга дуч келасан.

Шоир қалби доим тўлиб-тошиб ётади, шунинг учун у осийшга бўлолмайди.

Совет шоирнинг вазифаси — китобхоннинг энг яқин қариндоши бўлиш.

Маяковский. Биласизми бу нима деган гап? Бу — Октябрнинг асаб системасидир.

Адабиёт билан иккинчи сменда, айниқса кечаси шуғулланманг. У буни кечирмайди.

Поэзияга денгиздан тиниқликни, мовийликни, улғурликни олиш мумкин. Лекин ундан сув олиш яхши эмас.

Ёза бошлаганда ўзинга ўзим яхши одам бўлиб кўришиб кетаман.

Уруш ҳақидаги яхши шеърларни ўқиганимда, кўраманки, солдат ерга бағрини бериб ўрмалаб кетаяпти. Мана бу шеърда эса... ўрмалаб кетаётган — Союз аъзолигиға кандидат, холос.

Оддий киши ўзининг айрим танишларининг қувонтига олса, талант-ли киши қариб бутун инсониятга қувонч бағишлайди.

Мода нимаю, шон-шухрат нима? Шон-шухрат ўлганингдан кейин ҳам давом этади, мода эса тиркилигинга ҳам етмайди.

Баъзи рецензияларни ўқиганда билломай қоламан: бу китобни ўқиб керакми, йўқми? Котлет еганда сизир тиркилигида қандай бўлганини билиб бўлмайдида.

Ишм чатоқ. Қариганда Насриддин Афанди билан Союзнинг сарта-риги Маргулисга ўхшаб қолайман. Жамки латифаларни менга тункаш-япти. Аслида мен чиқарган ҳик-матли гаплар бир нечта, холос. Мас-лаан:

Пул қарз олсанг пессимистдан ол. У қайтиб бермаслигини олдиндан билади.

«Қоронғи ва совуқ жойда горизонтал ҳолатда сақлансин». Ҳа... мен ҳам вақти қелиб шу бутилканинг кунига қоламан.

Ўлганимдан кейин биронтаси кўзи-га ёш олсайди. Токчадан Михаил Светлов китобини олиб, жимгина ва-рақласайди...

Хоразм областига бағишланган материалларни махсус мухбирларимиз Саъдулла СИЕЕВ билан Семён БЕЗНОСОВ тайёрлаган.

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР.

Таҳрир хайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАБОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Исхондар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Унтам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул нотиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Номил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОВЕ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЕЗИЙ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош расм Э. РУЗИБОВЕ.


Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул нотиб — В-33659. Илтимойий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадий бўлим В-33519. Фан ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона В-33520.

Босишга инозат берилди. 15/1-70 й. Қоғози 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 1247. Нусхаси 173.575. Баҳоси 30 т. Р 07428. Г 3605.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.



# 1870 1970



## Я Н В А Р Ь

Душанба	5	12	19	26
Сешанба	6	13	20	27
Чоршанба	7	14	21	28
Пайшанба	1	8	15	22 29
Жума	2	9	16	23 30
Шанба	3	10	17	24 31
Якшанба	4	11	18	25

## Ф Е В Р А Л ь

Душанба	2	9	16	23
Сешанба	3	10	17	24
Чоршанба	4	11	18	25
Пайшанба	5	12	19	26
Жума	6	13	20	27
Шанба	7	14	21	28
Якшанба	1	8	15	22

## М А Р Т

Душанба	2	9	16	23 30
Сешанба	3	10	17	24 31
Чоршанба	4	11	18	25
Пайшанба	5	12	19	26
Жума	6	13	20	27
Шанба	7	14	21	28
Якшанба	1	8	15	22 29

## А П Р Е Л ь

Душанба	6	13	20	27
Сешанба	7	14	21	28
Чоршанба	1	8	15	22 29
Пайшанба	2	9	16	23 30
Жума	3	10	17	24
Шанба	4	11	18	25
Якшанба	5	12	19	26

## М А Й

Душанба	4	11	18	25
Сешанба	5	12	19	26
Чоршанба	6	13	20	27
Пайшанба	7	14	21	28
Жума	1	8	15	22 29
Шанба	2	9	16	23 30
Якшанба	3	10	17	24 31

## И Ю Н ь

Душанба	1	8	15	22 29
Сешанба	2	9	16	23 30
Чоршанба	3	10	17	24
Пайшанба	4	11	18	25
Жума	5	12	19	26
Шанба	6	13	20	27
Якшанба	7	14	21	28

## И Ю Л ь

Душанба	6	13	20	27
Сешанба	7	14	21	28
Чоршанба	1	8	15	22 29
Пайшанба	2	9	16	23 30
Жума	3	10	17	24 31
Шанба	4	11	18	25
Якшанба	5	12	19	26

## А В Г У С Т

Душанба	3	10	17	24 31
Сешанба	4	11	18	25
Чоршанба	5	12	19	26
Пайшанба	6	13	20	27
Жума	7	14	21	28
Шанба	1	8	15	22 29
Якшанба	2	9	16	23 30

## С Е Н Т Я Б Р ь

Душанба	7	14	21	28
Сешанба	1	8	15	22 29
Чоршанба	2	9	16	23 30
Пайшанба	3	10	17	24
Жума	4	11	18	25
Шанба	5	12	19	26
Якшанба	6	13	20	27

## О К Т Я Б Р ь

Душанба	5	12	19	26
Сешанба	6	13	20	27
Чоршанба	7	14	21	28
Пайшанба	1	8	15	22 29
Жума	2	9	16	23 30
Шанба	3	10	17	24 31
Якшанба	4	11	18	25

## Н О Я Б Р ь

Душанба	2	9	16	23 30
Сешанба	3	10	17	24
Чоршанба	4	11	18	25
Пайшанба	5	12	19	26
Жума	6	13	20	27
Шанба	7	14	21	28
Якшанба	1	8	15	22 29

## Д Е К А Б Р ь

Душанба	7	14	21	28
Сешанба	1	8	15	22 29
Чоршанба	2	9	16	23 30
Пайшанба	3	10	17	24 31
Жума	4	11	18	25
Шанба	5	12	19	26
Якшанба	6	13	20	27

и

Баҳоси 30 тийин  
Индекс 75233

